БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 229 (4328)
8 ОКТЯБРЬ 1980 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПРАВДА саҳифаларида

● Араб социалистик уйғониш партияси Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Хафиз Асад бошчилигидаги Сурия партия-ҳукумат делегацияси КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан бугун расмий дўстона визит билан Москвага келади.

● Ҳиндистон Республикасининг Президенти Н. Санжива Реддининг Совет Иттифоқига қилган расмий дўстона визити якунлари ҳақида ахборот эълон қилинган.

● Совет Иттифоқи билан Лаос ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Лаос Халқ Демократик Республикаси ташқи ишлар министри Пхун Сипасет бир-бирларига телеграмма йўлладилар. Телеграммаларда ҳар икки мамлакат ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик совет ва лаос халқларининг бахт-саодати, тинчлик ва социализм манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланаверади, деб ишонч билдирилади.

● «Партия топшириғи» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар берилган.

«Оқ олтин» хирмонига

Республикамизда бешинчи миллион тонна ҳисобига пахта тайёрлана бошланди. Тўртинчи миллион тонналик «оқ олтин» хирмонимиз атиги беш кун ичида тикланди. 5 октябрь куни эл хирмонига 168.353 тонна хом ашё топширилди. Мавсум бошидан буён эса 4.026.547 тонна дурдона тайёрланди. Шунинг 174.943 тоннаси ингичка толали пахтадир.

Тошкент областининг ғишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини амалга ошира борib, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида барвақт мўл пахта ҳосили етиштирдилар — давлатга пахта топшириш йиллик ҳажмини бажардилар.

Область колхоз ва совхозлари тайёрлов пунктларига 425 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан 31,3 центнердан ҳосил олинди. Тайёрланган бутун пахта биринчи сортларга қабул қилинди.

Йиллик планни 83,26 процент адо этган Бухоро области, 78,95 процент адо этган Қашқадарё области, 74,07 процент адо этган Сурхондарё области пахтакорлари ҳам юксак марра сари дадил олға интилмоқдалар.

Кунлик ўсиш бўйича 5 октябрь куни йиллик планнинг 4,23 процента миқдорида пахта тайёрлаган Сирдарё области, 3,61 процента миқдорида пахта тайёрлаган Жиззах области, 3,32 процента миқдорида пахта тайёрлаган Самарқанд области заршуносларн пешқадамлик қилишмоқда.

6 октябрга қадар республикамизда пахта тайёрлаш плани 69,42 процент адо этилди.

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ:

ҲАММА ТЕРИМГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ

РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗИШЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

БАРЧА совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVI съездини ленинчасига муносиб равишда кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. КПСС XXVI съезди коммунистик қурилишнинг бошланаётган янги босқичидаги стратегия ва тактиканн белгилаб беради, ривожланган социализм жамияти социал ва иқтисодий ривожланишининг янги уфқларини очади. Заводлар ва фабрикаларда, муассасалар ва қурилишларда, далалар ва фермаларда, хуллас ҳамма жойда илҳомбахш меҳнат қизғин давом этмоқда.

Республиканинг ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, халқ зиёлилари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига амал қилиб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили — 1981 йилда халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаш учун зўр куч-ғайрат сарфламоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори омманинг ташаббускорларидан ўрнак олиб, партия съездини юксак меҳнат натижалари билан нишонлаш тўғрисидаги даъватини республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ғоят кенг кўламда қўллаб-қувватладилар. Совет кишилари съездга ҳозирлик кўра туриб, ўз сафларини КПСС теварагида — синалган йўлбошчи, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар.

Республика меҳнаткашлари партиянинг мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг жўшқин, самарали ривожлантирилишини таъминлаш, иш сифатини ошириш соҳасида ўртага қўйган вазифаларини сабот билан ҳал эта бориб, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун курашда ўз куч-ғайратларини оширмоқдалар. Ўзбекистон индустрияси тўққиз ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Бинокорлар меҳнатда юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар. Халқнинг моддий турмуш даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Республика дала ва фермаларининг меҳнаткашлари партия съездини салмоқли меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар ҳозиргача дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узум, пилла ва қоракўл тери тайёрлаш юзасидан беш йиллик план топшириқларини ошириб адо этдилар. Чорвадорлар ҳам беш йилликни адо этиш арафасида турибдилар. Барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ўстиришнинг барқарор суръатларн таъминланди, деҳқончилик ва чорвачилик самарадорлиги юксалиб бормоқда. Илмий асосланган комплекс агротехника ва агромелиорация тадбирлари ишлаб чиқилиб, муваффақиятли равишда жорий этилганлиги, серҳосил қишлоқ хўжалик экин навларн ва ғоят маҳсулдор зотли чорва моллар етиштирилганлиги кўп жиҳатдан ана шундай муваффақиятларга эришишни таъминлади.

Мамлакат экономикасида пахтанинг — серқуёш ўлка ана шу ғоят қимматли эҳсонининг аҳамияти жуда катта, ҳақиқатан ҳам бебаҳодир. Ҳозирги кунда, фан-техника революцияси асрида мана шу ғоят муҳим техника экинисиз енгил ва озиқ-овқат саноатигина эмас, шу билан бирга оғир саноат ҳам ривожлана олмайди.

Ана шуларнинг ҳаммаси пахтакорларнинг зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди. Пахтакорлар кўп миллатли Ватанимизнинг барча қардош республикалари олдидаги, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олдидаги ватанпарварлик ва интернационал бурчларини астойдил англаб, «оқ олтин» етиштириш йил сайин кўпайиб боришн учун қўлдан келган ҳамма ишни бажо келтирмоқдалар.

Ҳамиша бўлганидек, республика пахтакорлари бу йил ҳам виждонан ишладилар. Оғир об-ҳаво шароитларига қарамай, улар пахтадан рекорд ҳосил етиштирдилар. Бунда пахтакорлар, механизаторлар, бригадирлар, агрономлар, сувчилар, гидротехникларнинг ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкилотчиларининг хизмати катта. Мана шу азаматларнинг меҳнати туфайли мамлакат тўрт миллион тоннадан кўпроқ сифатли хом ашё олди. Бешинчи миллион тонна пахта йиғиб-териб олина бошланди. Тошкент областининг, Ромитан, Бўка, Ғиждувон, Ғалаба, Пешқу, Пискент районларининг деҳқонлари, ўнлаб колхозлар ва совхозлар ҳозирдаёқ давлат плани бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар.

Йиғим-терим мавсуми илғорларига шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг намунаси, уларнинг юксак онглилиги ва ғайрат-шижоати илҳомлантирмоқда, бошқаларни ҳам эргаштирмоқда, пахта фронти жангчиларининг шуҳратини оширмоқда!

Шу кунларда Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Кашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Хоразм, Андижон ва Наманган областларининг дала меҳнаткашлари фидокорлик ва меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатмоқдалар.

Ҳозир Ўзбекистоннинг 5 миллион 850 минг тонна «оқ олтин»и учун курашда энг масъулиятли, ниҳоят даражада ҳал қилувчи босқич бошланди. Об-ҳаво ҳар бир дақиқада айниб қолиши мумкин, бу эса ишни ниҳоятда мураккаблаштириб, кўпгина қўшимча қийинчиликларни вужудга келтиради, шу қадар машаққатли меҳнат билан етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига, сифатининг пасайишига олиб келади. Шу боисдан ҳам сусткашликка йўл қўймай, ишни тезлаштириш керак. Куз фаслида бой берилган кун ва соатларни қайтариб бўлмайди, уни ғанимат билмоқ керак. Ҳатто оз бўлса-да, йўл қўйилган сусткашлик, эҳтиётсизлик ҳосилга жиддий зарар етказиши мумкин.

Ҳали эса қарийб икки миллион тонна пахта йиғиб-териб олиниши керак. Барча «оқ олтин» олий навини сақлаб қолиш учун уни ёғин-сочин бошлангунга қадар йиғиб-териб олиш лозим. Шу сабабдан ҳозир иш кунининг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир ишчи кучи ҳар қачонгидан кўра азиздир. Шу боисдан далалардаги меҳнат қизғин, зарбдорларча давом эттирилиши керак. Ҳаммамиз ва ҳар биримиздан юксак даражадаги сафарбарлик, ишда пухта уюшқоқлик ва аҳиллик талаб этилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахта учун курашнинг мана шу ғоят масъулиятли даврида республиканинг барча колхозчилари ва совхозларнинг ишчиларига, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студентларига, барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, ҳосил йиғим-теримида ғоят актив иштирок этишга даъват қиладилар. Далаларда меҳнат ғайратини ҳар томонлама кучайтириш, 15—20 кун ичида бутун ҳосилни йиғиб-териб олиш, ҳар бир бригада, хўжалик, район қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришини таъминлаш керак.

Мана шу олижаноб мақсадга эришиш учун республиканинг ҳар бир аҳолиси ўзининг интернационал бурчини, ҳосил тақдири учун курашга шахсан даҳлдор эканлигини чуқур англаб, ўзининг умумий сафдаги ўрнини аниқ белгилаб олиши, фидокорона иши билан ғалабани тезроқ яқинлаштириши зарур.

КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИ! Сизлар мўл ҳосил етиштириш учун жуда катта куч-ғайрат, мислсиз меҳнат сарфладингиз. Тўпланган умумхалқ бойлигининг биронта ҳам чаноғи нест-нобуд бўлишига йўл қўймангиз. Ватан сизлардан ана шуни кутмоқда, пахтакорнинг шон ва виждони шуни талаб этмоқда.

Ёғин-сочин вақтида иш унумсиз ва машаққатли бўлишини ёдда тутиб, ҳозир, об-ҳаво яхши пайтида кунниинг ҳар бир дақиқасидан фойдаланиб, белгиланган нормани бажарибгина қолмай, уни ортиги билан ҳам бажариш керак. Агар ҳар биримиз унумдорликни 5—10 килограммдан оширсак, бу республиканинг пахта хирмонига 10—15 минг тонна, яъни бутун бир область бир кун мобайнида терганига тенг миқдорда «оқ олтин» беради. Юксак унумдорлик учун курашингиз, ғир яхшиларга тенглашингиз, кўпминг килограммчилар сафини кўпайтирингиз!

ШАВКАТЛИ ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ! Қудратли, ажойиб техника сизларнинг қўлингиздадир, сизлар ҳар йили меҳнат жасорати намуналарини кўрсатмоқдасиз, ҳосилни етиштириш ва йиғиб-териб олишга жуда катта ҳисса қўшмоқдасиз. Халқ сизлар билан ҳақли равишда фахрланади, сизларга ишонади, меҳр билан гвардиячилар деб атайди. Бундай ишонч кўпгина мажбурият юклайди. Ҳамма йиғим-терим техникаси энг кўп самара билан узлуксиз ишлаши керак. Биронта ҳам терим агрегати бекор туриб қолишига йўл қўймангиз, пахтани машинада териш мажбуриятлари сўзсиз бажарилиши учун курашингиз!

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ, БЎЛИМЛАР ВА БРИГАДАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ! Звенолар ва терим транспорт отрядларининг ишини моҳирлик билан ташкил этингиз, машина-механизмларнинг, теримчиларнинг юксак унум билан ишлашини таъминлангиз, илғорларни рағбатлантиришнинг барча формаларидан оператив равишда ва кенг кўламда фойдаланингиз, энг яхшиларнинг тажрибасини сабот билан оммалаштирингиз. Ҳозир шаҳарликлар пахтакорларга ёрдамга чиқишди. Ана шу ёрдамдан самарали фойдаланингиз, зарбдорларча ишлаш учун барча шарт-шароитларни вужудга келтиринг.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ! Пахта конвейерининг узлуксиз ишлаши сизларга боғлиқ. Пахтанинг кечаю кундуз тайёрланишини, қуритиш-тозалаш цехларининг кечаю-кундуз ишлашини таъминлангиз, хом ашёни қабул қилиб олиш, асраш ва қайта ишлашни ҳар томонлама яхшиланг из. Териб олинган пахтадан юксак сифатли тола ишлаб чиқарилишига эришингиз.

ШАҲАРЛАР, РАЙОН МАРКАЗЛАРИ, ИШЧИ ПОСЕЛКАЛАРИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ, СТУДЕНТ ВА ЎҚУВЧИ ЁШЛАР! Ўзбекистоннинг бутун аҳолиси фахр билан ўзини пахтакор деб атамоқда. Бинобарин, ҳар биримиз пахта учун жавобгармиз. Машаққатли ўрим-йиғим-палласида ўроқ ва Болға иттифоқи, шаҳар билан қишлоқнинг ленинча дўстлиги алоҳида куч билан намоён бўлади. Эзгу анъанага кўра, шаҳарликлар ҳосил йиғим-теримида ҳамиша деҳқонларга кўмаклашиб келдилар. Ҳозир сизнинг ёрдамингиз айниқса, қимматлидир. Ҳозирги долзарб масъулиятли кунларда пахтани тезроқ йиғиб-териб олишда деҳқонларга кўмаклашиш — республикадаги ҳар бир кишининг бурчидир.

КОММУНИСТЛАР ВА КОМСОМОЛЛАР! Бугунги кунда ҳар биримиз партия, халқ, ишдаги ўртоқларимиз олдида, ўзимизнинг партиявий виждонимиз олдида жиддий имтиҳондан ўтмоқдамиз. Бизнинг бурчимиз ҳосил тақдири ҳал этилаётган жойда бўлишдир. Бизда фақат бир имтиёз — олдинда бўлиш, қийинроқ жойда бўлиш, одамларни эргаштириб бориш имтиёзи бор, пахта йиғим-теримининг ҳамма соҳаларида: қўл теримида ҳам, пахта териш машинаси штурвалида ҳам, пахтани ташишда ҳам, уни қабул қилиш ва қайта ишлашда ҳам шахсий ибрат билан уюшқоқлик, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатиш — шон-шараф ишимиздир. Ҳозирги вақтда ҳаммани ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун зарбдорларча, намунали ишлашга сафарбар этиш — бизнинг муқаддас бурчимиздир. Юксак суръатларга эриша туриб, пахтанинг сифатига алоҳида эътибор бериш, нобудгарчиликка сира йўл қўймаслик керак.

ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ! Ҳосил йиғим-терими да ташкилотчилик ва сиёсий ишлар савиясини оширингиз, социалистик мусобақанинг кенг оммавийлигини ва таъсирчанлигига эришингиз, маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирларини такомиллаштиринг из. Далада ишлаётган кишиларга энг кўп эътибор бериб, улар ҳақида ғамхўрлик қилингиз, теримчилар ва механизаторларнинг юксак унумли ишлашлари учун яхши шароитларни яратиб беринг из. Омманинг КПСС XXVI съездига тайёргарлик туфайли вужудга келган сиёсий ва меҳнат ғайратини мўл пахта ҳосилини тез вақт ичида йиғиб-териб олишга моҳирлик билан сафарбар этинг из!

Азиз дўстлар!

Республикамиз халқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланмоқда. Янги фабрика ва заводлар, уй-жойлар, касалхоналар, поликлиникалар, болалар боғчалари ва яслилари, маданий-маиший муассасалар ҳар йили ишга тушиб турибди. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ва халқ истеъмоли моллари ҳажми кўпайиб бормоқда.

Экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, халқ фаровонлигини оширишда эришилган муваффақиятлар партия ленинча миллий сиёсати тантанасининг натижаси. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг тинимсиз ғамхўрлиги самарасидир.

Партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлиги республика меҳнаткашларини руҳлантирмоқда. Ленин партияси режаларини амалга ошириш учун, мамлакатга камида 5 миллион 850 минг тонна пахта беришдан иборат интернационал бурчни бажариш учун курашда уларга янги куч ва ғайрат бағишламоқда. Ҳар биримиз КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўра туриб, мамлакат ва ъда қилинган ҳосилни олиш учун ҳамма ишни қилдимми, деб ўзимиздан қатъий сўрайлик! Республиканинг ҳар бир кишиси белгиланган марраларни эгаллаш йўлидаги муҳим ва масъулиятли ишда ўз куч-ғайратини кўпайтираверсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети аввалги йиллардаги сингари бу йил ҳам «оқ олтин» миришкорларини, республиканинг барча меҳнаткашларини улуғ мамлакатимиз кўп пахтага эга бўлиши учун, қабул қилинган социалистик мажбуриятлар бажарилиши учун ҳамма ишларни қилишга даъват этадилар. Бу эса КПСС XXVI съездига бизнинг энг яхши меҳнат совғамиз бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Санитария қоидаларига риоя қилинсин

Санитария ва обод лаштириш бўйича шаҳар штабининг навбатдаги йиғилишида даволаш-профилактика муассасалари мадаласи кўрилди. Шуни айтиш керакки, касалхона ва поликлиникаларда бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Сув билан таъминлаш, канализация тармоқларини қўпайтириш борасида яхши натижаларга эришилди. Биноларни ремонт қилиш, санитария ва озодагарчилик тадбирларини ўтказишга катта эътибор берилди.

2, 4, 5-юқумли касалликлар шифохонасида капитал ремонт ишлари бажарилди. Баъзи бир медицина асбобларини стерилизация қилиш назорат остига олинди. Қўшимча плакатлар, брошюралар тайёрланди.

Лекин ҳамма ерда ҳам ишлар қониқарли деб бўлмайди. Сариқ касал билан огриётганлар бор. 5-юқумли касалликлар шифохонаси. 3 ва 8-туғруқхонада санитария нормаларига яхши эътибор берилмаётир.

Штаб йиғилишида шаҳримиздаги даволаш муассасалари раҳбарларига йўл қўйилган камчиликларни қисқа муддат ичида тугатиш, санитария нормаларига қаттиқ риоя қилиш учун барча тадбирларни кўриш кераклиги уқтирилди.

телетайп лентасидан

✦ БЕРЛИН. Дрездендаги транспорт музейида очилган виставка «БАМ — асримиз қурилиши» деб аталган. Москва политехника музейи бу ерда Байкал-Амур магистралининг тарихи ҳамда қурилиши тўғрисидаги ҳужжатлар ва фотосуратларни намойиш қилмоқда. Дрезден аҳолиси ва меҳмонлари магистрал қурувчиларининг қаҳрамонона ишлари ва турмуши билан танишадилар.

✦ ВЕНА. Австрия давлат тарих музейида янги экспозиция очилди. У планетамиз тарихининг муз даврига бағишланган. Кўпдан-кўп экспонатлар узоқ ўтмиш давридаги ҳайвонот ва наботот олами тўғрисида яққол тасаввур беради. 1977 йил Сибирда топилган мамонт боласининг ҳақиқий катталикдаги тасқараси томошабинларнинг ғоят зўр эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Бу экспонатни Совет Иттифоқи музейига янги экспозиция учун махсус топширган.

✦ АДАН. Яқин беш йил ичида Яман Халқ Демократик Республикасида жами қиймати 90 миллион динорга борадиган 32 та қишлоқ хўжалик лойиҳаси ниҳоясига етказилади. 1985 йилга бориб қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми 90 процент ортади. ЯХДР қишлоқ хўжалиги ва ер ислоҳоти министри Фадл Мухсин Абдалло Адан ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда мана шуларни айтди. У қуйидагиларни таъкидлади: 1981—85 йилларга мўлжалланган иккинчи беш йиллик планда қишлоқ хўжалиги соҳасида ва экономиканинг бошқа соҳаларида Совет Иттифоқи билан ҳамда социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш нўзда тутилган.

(ТАСС).

ВАГОНЛАР БИР МИНУТ ҲАМ БЕКОР ТУРМАСИН

ЮКЛАРНИ ОЛИШГА ШОШИЛМАЯПТИЛАР...

4-октябрь куни соат 14.00 да Яланғоч станциясига Тошкент трактор заводи учун асбоб-ускуналар ортилган бешта вагон келтирилди. 6 октябрь куни шаҳар штабидан хабар қилдилар: бир неча марта огохлантиришларга қарамай юк олувчилар келмаяптилар.

Сентябрь ойида миллий чолғу буюмлари фабрикаси темир йўлчиларни бир неча бор уялтириб қўйди. Октябрь ойида ҳам улар шу «тажрибани» қўллашмоқда. Мана бир неча кундирки, Сергели станциясида ёғоч материаллари билан тўртта вагон эгалларини кутмоқда. Шуни айтиш керакки, бу корхона ўз вактида хом ашё ва материалларнинг етказиб берилмаётганлиги сабабли ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармай келяпти. Кўриниб турибдики, бунда ўзларининг ҳам айблари бор.

5 октябрдан буён Собир Раҳимов станциясида ҳимоя мосламалари тажриба магазинининг ходимларини стол тўла вагон сабрсизлик билан кутмоқда.

Картошкани тушириб олиш ишлари бирмунча яхшиланди. Лекин ҳамон 2- ва 3-мева-сабзавот комбинатлари Қизил Тўқимачи ва Ҳамза станцияларида 70 га якин вагонни ушлаб турибдилар.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ АЙИРБОШЛАБ

ТОШКЕНТ—ФРУНЗЕ: МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИ

Сентябрь ойининг қуёш чарақлаб турган кунларидан бирида улар Фрунзега келишди ва ўша заҳоти дўстлар қуршовида қолишди. Фрунзедаги янка буюртмалар ва пойафзал ремонти бўйича фабрика вакиллари Тошкентда бўлишганидан бери атиги ярим йил ўтди. «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасида улар янка буюртмалар бўйича пойафзал тикиш, пойафзални ва кўн-галантерея буюмларини ремонт қилиш бўйича илғор методлар билан атрофлича танишишди. Бу вақт мобайнида мусобақадошлар талайгина янгиликларни жорий этишга улгуришган экан.

Мухбиримиз Фрунзеда бўлган делегация билан учрашганда шу ҳақда сўз борди.

Л. БЕРЕЗОВСКИЙ, «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори: мен дастлаб шу нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, республика маиший хизмат кўрсатиш министрликлари системасида Тошкентнинг «Илғор» бирлашмаси ҳам Фрунзенинг «Обувщик» бирлашмаси ҳам беш йилликнинг тўртинчи йилидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар.

Ҳамкасбларимизда хизмат кўрсатиш тармоғи кенг, хизмат кўрсатиш системаси аҳоли талабларини қатъий ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Жумладан, у ерда устахоналар, айниқса шахсий буюртмалар бўйича пойафзал тикадиган ва ремонт қиладиган йирик механизациялашган цехлар кўп.

— Улар Тошкентдагидан сифат жиҳатидан нимаси билан ажралиб туради?

Л. БЕРЕЗОВСКИЙ: — У ерда меҳнатни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги — иш режими узайтирилган системаси жорий этилган. Бизда устахоналар эрталаб соат 8 дан кеч соат 7 гача ишлайди. Корхоналарда ва муассасаларда ишлайдиган ҳамшаҳарлар учун пойафзални ремонтга топшириш ва уни олиш анча ташвиш туғдиради.

Фрунзеда бу муаммо шундай ҳал этилган: пойафзал ремонт қилиш бўйича устахоналарнинг иш куни биздагига нисбатан 1—2 соат узайтирилган ёки аслида ремонтчилар кеч соат 9 гача ишлашади. Бу буюртмачилар учун ғоят қулай.

— Албатта, бунда ҳамшаҳарлар учун қулай бўлади. Лекин хизмат кўрсатувчилар учун бу усул қулай бўлармикан?..

Б. ЮСУПОВ, касаба союз комитети аъзоси, «Илғор» бирлашмаси ишчиси: — Меҳнатни ташкил этишнинг бу системаси диққат билан ўйланган ва у шундай ижро этиладики, бунда ҳар икки томонга — хизматдан фойдаланувчиларга ҳам, хизмат кўрсатувчиларга ҳам қулай бўлади. Меҳнат қонунчилигини бузиш ҳоллари бўлмайди. Меҳнатни ташкил этишнинг узайтирилган графиги йирик механизациялаштирилган устахоналарда ва цехларда жуда қўл келади. Меҳнатни ташкил этишнинг янги схемаси оддий: ишлаётган группа буюртма қабул қилиб ва уни 2 иш кунида бажариб, учинчи куни дам олади. Унинг ўрнида эса ремонтчиларнинг бошқа группаси (бригадаси) меҳнат қилади.

Аслида бу метод саноат ишлаб чиқаришидан олинган: бу ерда турли касбдаги талайгина ишчилар алоҳида иш режими — сирғалувчи график бўйича ишлайди. Ўйлаймизки, бу метод биз учун ҳам асқотади. Энг муҳими, меҳнатнинг шундай формасини топиш керакки, у аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этишни яхшиласин, ҳамшаҳарлар учун қулай бўлсин.

Л. БЕРЕЗОВСКИЙ: Фрунзе шаҳри марказида яқинда беш қаватли чиройли «Маиший уй» ишга туширилди. Бу ерда аҳолига турли хил хизматлар кўрсатилади: пойафзаллар тайёрланади ва ремонт қилинади, телевизорлар, радиоаппаратуралар, кийимлар ремонт қилинади, Кийимлар тозалаш учун қабул қилинади, модалар ательеси ҳам бор. Бу ерда ҳамкасбларимиз янги методни синаб кўришганда, натижаси дуруст бўлди. Мижозлар мамнун, хизмат кўрсатувчилар ҳам нолишмаяпти.

Мусобақадош ҳамкасбларимизнинг тажрибаси, сўзсиз қизиқарли, биз улардан тўла фойдаланамиз. Яқин кунларда уни жорий этамиз. Буни биринчи бор йирик механизациялашган «Ўзбекистон» маиший уйида жорий этамиз. Бу ерда пойафзалчиларнинг катта группаси меҳнат қилади.

— Сизлардан нималарни ўрганишди?

Л. БЕРЕЗОВСКИЙ: — Биз Фрунзе шаҳридаги кўпгина кишилар оёғида пластик материаллардан тайёрланган пойафзалларни кўриб қувондик. Бу бизнинг моделларимиз эди. Бундан бир йил муқаддам ҳамкасбларимизга қуйма усулда пойафзал тайёрлашни кўрсатгандик. Тажриба шуни кўрсатдики, бу пойафзалга эркаклар ва аёллар ўртасида талаб катта экан. Бироқ, бизда технология такомиллашган, пошнани қайта ишлашни, блокни елимлаб ёпиштиришни механизациялаш бўйича кўп иш қилинган. Дўстларимиз бизнинг тавсияларимизни бажонидил олишди.

Яна бир мисол. Шу йил баҳорда фрунзеликлар Тошкентда бўлишганда биздан аёлларнинг ёғоч пошнали пойафзалларини ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштиришганди. Ҳозир Қирғизистон пойтахтида бундай пойафзални ишлаб чиқариш ўзлаштирилибди. Унга харидорлар ўртасида талаб катта экан. Ҳамкасбларимиз кузги-қишки мавсум учун пойафзал тайёрлашдаги тажрибаларни бизларга гапириб беришди. Бизга зарур ҳужжатларни беришди.

Б. РУДЕРФЕР, бош экономист: — бизнинг рақибимиз жиддий — коллектив тинмай изланади. Унинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам юқори. Фақат йилнинг 7 ойи мобайнида ҳамкасбларимиз 839 минг сўмлик фойда кўришган. Тошкентликларда эса маиший хизматни реализация қилиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,6 процент ўсди.

Б. ЮСУПОВ: «Илғор» бирлашмаси коллективи КПСС XXVI съезди шарафига қуйидаги мажбуриятларни олди. Йиллик план 25 декабрда бажарилади, бу планга қўшимча 160 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, хизмат кўрсатиш имконини беради. Ишлаб чиқаришга бир қатор техник янгиликларни, шу жумладан, Қирғизистон пойтахти ходимлари ва Ригадаги «Ригас апави» бирлашмаси ходимлари таклиф этган техник янгиликларни муддатидан илгари жорий этишимиз керак. Биз бу бирлашма билан ҳам социалистик мусобақа бўйича шартнома тузганмиз.

М. САВЕЛЬЕВ.

Шаҳар хўжалиги мавзуида

МАСОФА ҚИСҚАРАДИ

Тошкент бош план илмий тадқиқот ва лойиҳа изланиш института Тошкентнинг транспорт қатнови комплекс системасини тузиш мақсадида 9 октябрдан шаҳар аҳолисининг жойлашиши ва ҳаракатини тадқиқ қилишга киришади

Бундан бир неча йил муқаддам баъзи ҳамшаҳарларимизга янги турар жой массивлари жуда олис туюларди. Унга етиб бориш учун анчагина вақт сарфланарди. Ҳозир Юнусобод, Чилонзор, Қўйлиқ массивларидаги кварталларга транспорт хизмати кўрсатиш шаҳримиздаги районлар билан яхши йўлга қўйилган. Метрополитеннинг биринчи навбати ишга туширилди. Қулай, кўркам, проспектлар, янги транспорт маршрутлари, Энгельс кўчаси, Луначарский шоссесида путепровод ишга туширилди. Ш. Руставели, Муқимий ва Революция хиёбонида эса ер ости ўтиш йўллари фойдаланишга топширилди.

Шаҳримиз территорияси борган сари кенгайиб бормоқда. Аҳолиси кўпаймоқда, янги трамвай, троллейбус, автобус линиялари ишга туширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси пассажир транспорти ишини қайта кўриб чиқиш ва азиз ҳамшаҳарларимизга қулайлик яратишни тақозо этади. Тошкентдаги йўловчиларга тўғри хизмат кўрсатишни аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура планлаштириш Бош бошқармаси, ТашНИИПИген план институти билан ҳамкорликда бугунги кунда Тошкентнинг комплекслашган транспорт схемасини ишлаб чиқишди. Бу проспектнинг муаллифлари инженерлардан В. Михаэлян, Н. Шушлебина ва Е. Гагановлардир.

Бу яқин ўн беш йилга, биринчи галда 1981—85 йилларни аниқлаш юзасидан ўзига хос перспектив таҳминдир.

— Ишлаб чиққан ҳужжатларимизнинг асосида,— дейди Виктор Михайлович Михаэлян, — пассажир транспорти билан боғлиқ бўлган текширув материаллари, йўл ҳаракати, шаҳар корхоналари, юк обороти ҳамда аҳолининг умумий ҳаракати туради. Бир ҳафта мобайнида турли районларда яшаётган аҳолини танлаб анкета тарқатилади. Бу иш давомида биз умумий ҳаракатни, йўловчиларни тушиб-чиқиши қанчалигини, йўл ҳаракатини, транспортда юрилган вақт ва уни кутишга кетган вақт ўрганилади. Бизнинг асосий ёрдамчиларимиз Тошкент Давлат университети, Халқ хўжалиги институти, Чет тиллар институти, автомобиль йўллар ва тўқимачилик институтининг студентлари ҳисобланади. Бу студентлар ёрдамида кечки пайт 35 минг дона махсус ишлаб чиқилган анкеталар тарқатилади. Гражданлар анкетани тўғри тўлдиришса, транспорт хизматидан қанча йўловчи фойдаланганлиги аниқланади. Бу ўз навбатида лойиҳачиларни келгуси ишларни тўғри ташкил этишда катта ёрдам беради.

Ишлаб чиқилган бу маълумотлар электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида олинган маълумотларни ишлаб чиқиш шахсий автомобиллар ва пассажир транспортидан фойдаланишнинг маълум муқаррарлигини аниқлаш имконини беради.

Ана шу маълумотлар асосига трамвай, троллейбус, автобус паркларининг оптимал ҳисоби тузилади, шунингдек, баъзи бир кўча ва майдонларни реконструкция қилиш, янги магистраль кўчалар ва ер ости йўллари қуришни белгилайди. Бу билан шаҳримиз кўчаларидаги транспортларни аниқ тўғри ҳаракатда бўлишини таъминлайди, машиналарни йўлларда туриб қолишига барҳам беради ва белгиланган манзилга қисқа муддатда етиб бориш имконини беради.

Шуни айтиш керакки, институт коллективи томонидан шунга ўхшаш ишлар Душанбе, Самарқанд, Ленинобод, Тошкентда ўтказилди.

— Келинг, яхшиси қуйидаги мисолларга мурожаат қилайлик,— дейди Евгений Георгевич Гаганов, — перспектив таҳминларга асосланиб Тошкент метрополитени лойиҳалаштирилди. Шаҳримизда биринчи бор транспортларни тез қатнаши учун мўлжаллаб қурилган етти километрли Ўзбекистон 50 йиллиги проспекти келажакда шаҳримиз марказини Келес билан боғлаб Олмалиқ ва Ангрен томонга чиқишини таъминлайди. Халқлар дўстлиги майдонида транспорт қатнови учун мўлжалланган тоннель қурилади. Бу Ҳадра майдонидан Чилонзор ва Юнусободга борадиган машиналар қатновини тезлаштиради. Янги кўчаларни барпо қилишда унда кўплаб транспортлар қатнови ҳисобга олинмоқда. Пассажир оқимини ва бир сутка давомида транспортнинг қанча ўтганлигини ҳисоблаш, саноат корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари турган жойлар аниқланади. Сергели, Қорасув, Қорақамиш массивларя бўйича ўтказилган бугунги текширишлар янги транспорт линияларини ишга туширилишини таъминлаш билан бирга бошқа районларни бир-бири билан боғлашда катта роль ўйнайди,

Транспорт қатнови комплекс схемаси гаражлар муаммосини ҳам ҳал қилишда ёрдам бериб, кўп қаватли бинолар ва ер ости гаражлари қуришда катта роль ўйнайди. Шаҳар пассажир транспорти ва темир йўл транспорти хизмати янада яхшиланади. Жуда кўплаб электр поездлар бекати шаҳар чеккаси атрофида йўловчилар учун қулай бўлган жойларда бўлади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу борада қилинадиган ишлар жуда катта. Муваффақиятга эришиш учун анкетада кўрсатилган саволларга аниқ жавоб бериш керак бўлади.

А. КОСТИКОВА.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

ЯНГИ ТРАМВАЙ ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИДА

«Бирлик» шаҳримизнинг аҳоли энг кўп яшайдиган массивларидан бири. Массивни шаҳар маркази билан боғловчи транспортларни янада кўпайтириш, меҳнаткашлар учун қулайлик яратиш мақсадида шу кунларда Чилонзор ва Бирлик массивини боғловчи янги трамвай йўли қурилиши тезкорлик билан олиб борилаяпти.

...Эрталаб соат саккиздан сал ошган. Саккокий кўчасига келиб тўхтаган пўлат ғилдиракли вагондан бирин-кетин йўлсозлар туша бошлашди. Бир нечасининг қўлида белкурак, баъзиларининикида эса бетон майдаловчи асбоб-ускуналар.

Уларнинг ортидан ёшлар қирқлар атрофида, қуёшнинг нурафшон нуридан юзлари қорайган, ўрта бўйли киши қўлида иш чизмаларини ушлаганча чиқиб келди. Бу киши йўлсозлар бригадаси бошлиғи Тонготар Эсенбоев. У бизни янги трамвай йўли қурилиши билан таништириб шундай деди:

— Бешқайрағоч ва Фарҳод бозорини боғловчи трамвай йўли тўрт километр масофани ташкил этади. Йўл Аммоний, Саккокий ва Фарҳод кўчалари бўйлаб ўтади. Натижада Октябрь, Бешқайрағоч, Бирлик массивларида яшовчи аҳолига катта қулайлик яратилади.

Бу участкада «пўлат изъларини ётқизиш «Таштрансспецстрой» трестининг 71-қурилиш бошқармаси қурувчилари зиммасига юклатилган. Бу ерда Т. Эсенбоев бригадасидан ташқари Х. Ҳамидуллин ва Р. Ҳамидуллинлар етакчилигидаги коллективлар ҳам меҳнат қилишмоқда.

Т. Эсенбоев раҳбарлигидаги коллективнинг ўн нафар ишчиси юксак унум билан меҳнат қилишяпти. Улар Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини муваффақиятли бажариб, ҳозир 1981 йилнинг июнь ойи ҳисобига ишлашмоқда.

Тонготар Эсенбоев қарийб ўн икки йилдан бери шу бошқармада меҳнат қилиб, катта обрў орттирди. 1976 йили меҳнатда эришган муваффақиятлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Меҳнаткашлар унга юксак ишонч билдириб шаҳар Советига депутат қилиб сайлашди.

Т. Эсенбоев бошчилик қилаётган коллектив шу объектда хизмат қилаётган Ҳ. Ҳамидуллин раҳбарлигидаги коллективни социалистик мусобақага чақирган. Мусобақа натижаларига кўра Т. Эсенбоев коллективи ғолиб чиқмоқда. Улар йил бошидан бери шпал, металл, шағал, бетон каби кўпгина қурилиш материалларини тежаб қолишди. Саккиз ойлик план 109 процент қилиб адо этилди.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги XXVI съездини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга азму қарор қилган бригада азаматлари трамвай йўли қурилиши ишларини муддатидан илгари, Улуғ Октябрь ғалабасининг 63 йиллиги кунигача битказиш мажбуриятини олишган. Тез кунлар ичида янги маршрутда трамвай ҳаракати бошланади. Массив меҳнаткашлари қурувчилардан катта совға оладилар. Бу шаҳримиз аҳолиси учун яратилаётган қулайликлардан яна биридир.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Қўқон ўрмон хўжалигининг кенг истеъмол моллари цехи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рўйхатида буюмларнинг янги номлари—болаларнинг каравотчалари ва стулчалари пайдо бўлди. Бу буюмлар қишлоқ болалар муассасаларининг, савдо ташкилотларининг буюртмаларига биноан ёғочсозлик чиқитларидан тайёрланмоқда.

* * *

Наманган экспериментал биофабрикасида трихограммалар етиштирувчи яна иккита технологик линия монтаж қилина бошланди. Бу ерда келгуси йилнинг ўзидаёқ фойдали ҳашоратлар етиштиришни 4 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Фабрикада жами 16 та мана шундай линиялар ўрнатишга қарор қилинган. Бу эса 600 минг гектар майдонда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методларини жорий этиш имконини беради.

* * *

Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозида пастак бўйли олмазорлар гектар бошига 100 центнердан олма берди. Кўчат ўтказилгандан кейин тўртинчи йили шундай ҳосилдорликка эришилди. Хўжаликда пастак олма дарахтлари ўтказиладиган майдонларни кенгайтиришга қарор қилинди. Бу ерда барпо этилган 3 гектарлик кўчатзорда пастак бўйли дарахт кўчатлари тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ).

Тошкентдаги 10-автомобиль ремонти заводи коллективи ўртасида беш йилликнинг сўнгги зарбдор йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ мусобақаси тобора кенг авж олаяпти. Сиз мана бу фотолавҳада корхона юк автомобиллари ремонт қилиш цехининг илғор йиғувчи слесарлар бошлиғи Шавкат Собировни иш жараёнида кўриб турибсиз. Бригада шу кунларда декабрь ойи топшириқларини адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЯЙЛОВЛАРНИ ИҲОТАЛАЙДИ

Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг олимлари чўллардаги яйловларни иҳоталаш самарали усулини ишлаб чиқдилар. Улар яйловни участкаларга бўлиб, ҳар 500—900 метрдан кейин уни саксовул, черкез ва чогон экилган уч қатор иҳота дов-дарахтлари билан ғовлашни таклиф этдилар. Кўчатлар шахмат тартибида эгатларга ўтказилади, шундан сўнг тупроқ махсус химиявий модда билан маҳкамланади. Шундай қилиб, кўкмак ғов қаттиқ шамоллар йўлини тўсиб, микроиқлим вужудга келтиради, яйлов маҳсулдорлигини оширади.

Шу куз Ўзбекистоннинг ўттизта қоракўлчилик совхози яйловларида иҳота дарахтзорлари барпо этишга кириша бошлайди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚЎЛЛАНИЛЯПТИ

БЕРЛИН. Радиактив изотоплар замонавий медицинанинг «кўзлари» бўлиб, касалликларга аниқ диагноз қўйишга ёрдам беради. Радиоактив изотоплар халқ хўжалигида ғоят кенг қўлланилиши лозим. ГДР фанлар академияси изотопларни тадқиқ қилиш марказий институтининг ходимлари билан энг йирик саноат корхоналарининг намояндалари ана шундай хулосага келдилар.

Ҳозирги вақтда ГДРда турли тармоқларга мансуб салкам 1500 корхона саноат қурилмаларининг мураккаб «организми»ни текшириш учун «белгиланган атомлар»дан муваффақиятли равишда фойдаланмоқда. Бунинг учун баъзи корхоналар ўз физик лабораторияларини ташкил қилишган. Бу лабораториялар. Лейпцигдаги изотопларни тадқиқ қилувчи марказий институт билан доимо ижодий алоқа боғлаб турибди.

МУСОБАҚА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

СОФИЯ. Еттинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, БКП XII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа бутун Болгарияда кенгайиб бормоқда.

Варно округининг ишчилар синфи «съезд шарафига муносиб ишлар қиламиз, юксак натижаларга эришамиз» шиори остида меҳнат қилмоқда. Округда тўққизта корхона ва 170 та бригада шу беш йиллик топшириқларини бажарганлиги тўғрисида ҳозирдаёқ рапорт берди. Ишчилардан 15 мингдан кўпроқ киши келгуси беш йиллик ҳисобига ишламоқда.

Мусобақа пешқадамлари қаторида Девно саноат комплекси корхоналарининг коллективлари бор. Кальцийлаштирилган сода заводининг коллективи планга қўшимча равишда 40 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

Шумен автомобилсозлари съездга муносиб совға тайёрламоқдалар. Икки тонна юк кўтарадиган «Мадара—1300» маркали болган юк автомашиналарининг учта янги моделини ишлаб чиқиш тугалланди.

София округининг меҳнаткашлари съезд олди мусобақасида жуда яхши натижаларга эришдилар. Меҳнат коллективлари хом ашё ва материалларни иқтисод қилиш ҳисобига мамлакатнинг бир ярим миллион левини тежаб қоладилар.

КОШИЦЕ ШАҲРИ — 750 ЁШДА

БРАТИСЛАВА. Аҳолисининг сони жиҳатидан Словакияда иккинчи шаҳар ҳисобланган Кошице ўзининг 750 йиллигини байрам қилмоқда. Бу шаҳар Шарқий Словакия областининг маркази бўлиб, халқ ҳокимияти йиллари мобайнида Чехословакияда индустриал янги қурилишларнинг асосий районларидан бирига айланди.

Кошице шаҳрида жойлашган шарқий Словакия металлургия комбинати Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилган. Ҳозир у ЧССРда катталиги жиҳатидан иккинчи металлургия комбинатидир. Ҳозир бу корхонада йигирма мингдан кўпроқ киши ишламоқда.

Бу шаҳар 1945 йилнинг апрелида чех ва словакларнинг Кошице ҳукумат программаси деб аталган халқ фронти биринчи ҳукуматининг программаси эълон қилинган жой сифатида Чехословакиянинг энг янги тарихига кирди. Бу ҳукумат программаси Чехословакияда Халқ Демократик революциясининг йўналишларини, янги давлат қуриш принципларини белгилаб берди.

Урушдан кейинги йиллар мобайнида Кошице таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Эски шаҳардан унинг фақат марказий қисми қолган.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ҚОБУЛ. Афғонистон шимолидаги Балх вилоятининг турли саноат корхоналарида саводсизликни тугатувчи еттита янги курс очилди. Ана шу курсларда 300 дан кўпроқ ишчи ўқиш ва ёзишни ўрганади. Бутун аҳолисининг 80 процентдан кўпроғи саводсиз бўлган Афғонистонда ҳозирги вақтда 22 мингдан зиёд курс ишлаб турибди, буларда 500 мингдан ортиқ киши шуғулланмоқда.

* * *

Афғонистон пойтахтида Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети ижтимоий фанлар институтининг янги замонавий биноси қад кўтаради. Бу бино Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий кўмаги билан лойиҳалаштирилиб, барпо этилади. АДР пойтахтида ана шу бинони қуриш тўғрисидаги битим имзоланди. Бинода бир қанча лекция заллари, ўқув синфлари, кутубхона бўлади.

* * *

АДАН. Яман Халқ Демократик Республикасининг ҳукумати мамлакатда туризмни ривожлантириш учун 20 миллион динардан ортиқ маблағ ажратди.

Республиканинг вилоятларида ўнлаб туристик марказлар, кемпинглар ва меҳмонхоналар барпо этилмоқда.

Ҳукумат туризмни рағбатлантириш мақсадида ички туристик маршрутларида хизмат ҳақини қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

ТРИПОЛИ. Бу ерда халқ санъати асарлари виставкаси очилди. Виставка Ливия революциясининг ўн бир йиллигига ва Ливия ватанпарварларининг Италия ҳукмронлигига қарши курашига бошчилик қилган Ливиянинг миллий қаҳрамони Умар Мухтор ҳалок бўлганлигининг 49 йиллигига бағишланди.

Виставкада мингдан зиёд асар намойиш қилинмоқда. Унинг экспозицияси томошабинларни ливиялик моҳир усталарнинг ўзига хос санъати билан таништиради, шу мамлакат халқининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги қаҳрамонона кураши тўғрисида ҳикоя қилади.

* * *

ҚУВАЙТ. Бу ердан олинган хабарларга кўра Бирлашган Араб амирликлари шу мамлакатдан нефть экспорт қилувчи Ғарбнинг нефть компанияларининг Мисрга нефть маҳсулотлари, шунингдек хом нефть етказиб беришларини тақиқлаб қўйган.

Бирлашган Араб амирлари экономика ва савдо министри Султон Бин Аҳмад Ал-Маалла шу мамлакат информация агентлигига берган баёнотида мазкур қарор Миср Исроилга нефть етказиб бераётганлиги муносабати билан қабул қилинганлигини айтди.

Германия Федератив Республикасининг тинчликсевар жамоатчилиги ҳамиша тинчликни мустаҳкамлаш йўлида мардона курашиб келмоқда.

СУРАТДА: «Кельн тинчлик ҳафталиги» давомида мамлакатнинг демократик нашриётлари томонидан савдога чиқарилган тинчлик учун курашга чорловчи адабиётлар кўргазмаси.

ТАСС фотохроникаси.

СУРАТДА: «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси Тўғоной Бобоева тасвирланган. 29 йилдан бери ана шу корхонада ишлаб келаётган бу зарбдор ишчи ҳамиша сифатли маҳсулот топшириши билан ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда.

Р. Загратдинов фотоси.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ВАГОНГА УЯ ҚУРГАНЛАР»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 18 июль сонида босилган материалда айрим поездларда баъзан билетсиз йўловчилар чиқиб қолаётгани, чайқовчилик ниятида ортиқча юк ташилаётгани танқид қилинган эди.

Ўрта Осиё темир йўли 2-вагон депосидан олинган жавобда бундай дейилади:

Фельетонда келтирилган фактлар тўғри. Ҳ. Маҳмудов, Ш. Уразов, М. Абдумаликов, Б. Назаров сингари собиқ проводниклар қилмишларига биноан жиноий жавобгарликка тортилдилар. Газета материалидан кейин депода сиёсий-тарбиявий ишлар янада кучайтирилди. Айниқса кадрлар билан ишлашни яхшилаш борасида конкрет чора-тадбирлар белгиланди. Буларнинг барчаси аҳолига транспорт хизматини яхшилашда шубҳасиз ёрдам беради.

«ВАҚТ ЎТМАСИН»

Газетанинг 4 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий хабарда Ҳ. Абдуллаев, Кўркам, Маҳорат кўчаларининг ўйдим-чуқурлиги, бу эса транспорт қатновини қийинлаштираётгани танқид қилинган эди.

«Главташпассавтотранс»дан олинган жавобда бу кўчалар ремонт қилиниб, тартибга келтирилгани маълум этилган.

МЕҲНАТ МАДҲИ

ТАҚРИЗ

Бизнинг қўлимизга Асил Рашидовнинг яқиндагина чоп этилган икки китоби — «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири» ва «Ишчи — қиссаларимиз қаҳрамони» тушиб қолди. Очиғини айтишимиз мумкинки, бу монографиялар бизга маъқул тушди ва улар ҳақида мулоҳазаларимизни газетхонлар билан ўртоқлашишни лозим топдик.

Ҳар икки китоб бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдиради ва бойитади, ўзбек совет адабиётида инсон фаолияти ва меҳнатининг тасвири ҳақида кенг маълумот беради.

Бизни кийинтирган ва тўйдирган, ҳаётимизни гўзал, маъноли, завқли қилаётганлар — ишчи ва колхозчилардир. Жамиятда улар яратган мўъжизаларни санаб, охирига етказиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам улуғ адибимиз Максим Горький айтганидек: «Китобларимизнинг асосий қаҳрамонлари қилиб меҳнатни, яъни меҳнат жараёнида етишган одамларни олишимиз керак».

Жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган улуғ рус халқининг адабиётидан таълим олган ўзбек совет адабиёти буюк Октябрнинг биринчи кунидан бошлабоқ социалистик меҳнатни, янги совет кишисини куйлади ва бу жараёнда ташкил топиб, ривожланиб борди. Бутун ўзбек совет адабиёти тарихига назар ташласак, у замонамизнинг улуғвор мавзуини зўр пафос, улкан меҳр-муҳаббат билан мадҳ этган, жамият тараққиётини тезлаштиришга хизмат қилган. Биронта ўзбек ёзувчиси йўққи, унинг ижодига меҳнат мавзуси, меҳнатчи инсон кириб бормаган бўлсин, илҳомнинг юксак манбаи бўлмаган бўлсин. Бунинг самарали оқибати халқимизга юзлаб, минглаб роман ва қиссалар, поэма ва балладалар, драма ва ҳикояларни тақдим этишга олиб келди.

Бу бадиий асарларни таҳлил этиш, пропаганда қилиш соҳасида ҳам танқидчиларимиз ва адабиётшуносларимиз анчагина ишлар қилишди. Лекин қиссаларда меҳнатни, меҳнат кишисин кенг таҳлил қиладиган, бу борадаги ижодий изланишларни чуқур ёритиб берадиган илмий ишлар деярли йўқ эди. Адабиёт ҳақидаги фанимизнинг бу соҳасини тўлдиришда ва бойитишда истеъдодли олим, талантли таржимон А. Рашидовнинг «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири» ҳамда «Ишчи — қиссаларимиз қаҳрамони» китобларининг роли каттадир.

А. Рашидов узоқ вақтлардан бери бу муқаддас ва масъулиятли мавзуда илмий изланишлар олиб борди ва уларнинг илк самараларини мақолалар ва тақризлар сифатида эълон қилди. Унинг давомли ва узлуксиз ижодий меҳнати ўзининг самарали, муваффақиятли якунини ҳар икки китобда эркин ифодасини топган. Бу монографиялар назарий савияси жиҳатидан А. Рашидов ижодида ва илмий фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди, унинг илмий ишлари ичида эса уларни энг баркамоли деб айта оламиз. Бу икки китоб уларнинг муаллифини яна бир поғонага кўтарди ва тенгдош ҳамкасблари ичида ажралиб туришга олиб келди. Бундан ташқари юқоридаги китоблар А. Рашидовни йирик ўзбек совет адабиётшунослари қаторига қўшишга асос берди. Энг муҳими шундаки, «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири» ва «Ишчи — қиссаларимиз қаҳрамони» асарлари, адабиётшунослигимизни бойитишга, унинг муҳим, долзарб масаласини ҳаққоний ёритишга, меҳнат кишисини тарғиб қилишга, улуғлашга ҳисса бўлиб тушади.

Муаллиф ўз олдига қўйган проблемани кенг кўламда ёритади ва узоқ ўтмишларга экскурсия қилади, жуда кўп адабий материалларни жалб этади. Тадқиқотчининг ютуғи шундаки, у ҳар ерда, ҳар бир бобда адабий материаллардан унумли фойдаланади, уларни ўз ғоявий, илмий ниятларини очиш, уларни таҳлил қилиш учун йўналтира олади.

А. Рашидов меҳнатни куйловчи ўтмиш меросимизни талқин қилар экан, меросимизнинг қайси жиҳатлари ўзбек совет қиссаларини яратиш учун қўл келганлигини, унинг чекланган томонларини очиб беришга сазовор бўлди. Фольклорда ҳам, классик адабиётда ҳам меҳнат кишисини куйлаш борасида талайгина ижодий иш қилинган. Аммо, меҳнаткашнинг пухта, баркамол реалистик образи совет даври адабиётидагина намоён бўла бошлайди. Бу ижодий жараён ҳам осонликча юз бермаган. Схематик образлардан, жўн персонажлардан аста-секин тўла маънодаги ҳаққоний характерлар яратишга ўтиб борилган. Бу йўлда ўзбек совет қиссачилиги турли қийинчиликларга дуч келган. Баёнчилик ҳам, юзакичилик ҳам, конфликтсизлик ҳам, сохталик ҳам, натуралистлик ҳам содир бўлган. Бундай кусурларнинг ҳаммасини енгиб ўтиб, ўзбек қиссачилиги катта ижодий ривожланиш йўлига тушиб олди, кўп миллатли совет адабиётида ўзига хос мустаҳкам ўринни эгаллади.

А. Рашидовнинг ҳар икки китоби бу камолот жараёнида Ҳамза, А. Қодирий, С. Айний, Ғайратий, Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ш. Рашидовларнинг ижодий хизматларини таъкидлаб, исботлаб беради. Эстафета давом этаётганлиги, меҳнат кишисининг образини яратишдек масъулиятли вазифани ўташда урушдан кейин адабиётга кириб келган адибларнинг қўшган янгиликлари, шу билан бирга йўл қўйган нуқсонлари ҳам тўғри позициядан туриб баҳоланади, ҳар бир адибнинг ўзига хос хусусиятларини очишга жиддий аҳамият берилади.

Ҳар икки китобнинг бутун йўналиши, уларнинг асосий мазмуни — «Одам сўзининг туб маъноси ишчи, дунёдаги инсоннинг аълоси ишчи» (А. Лоҳутий) деган ғояни қиссаларда акс эттиришни таҳлил қилиш руҳи билан суғорилган. Муаллиф бу масалани тарихий тараққиёт заминида, марксча-ленинча позициядан туриб ёритади. Ўзбек қиссаларининг замон билан ҳамнафас тематик мундарижаси такомил топа борганини, ҳаётнинг ранг-баранг томонларини, етакчи тенденцияларини ўзида халқчил ва ихчам формада ёритиб бераётганини, ҳар бир давр қиссачилиги учун характерли хусусиятларини очиқ-ойдин кўрсатади.

Ҳар икки китобда ҳам кейинги давр қиссачилигимиз учун шахсни ҳар томонлама инкишоф этиш тенденцияси намоён бўлганлиги, турмуш ва аҳлоқ мавзулари шахснинг шаклланишидаги асосий проблема сифатида узвий бирликда талқин этилганлиги тўғри аниқланади.

Олимнинг нигоҳи кенг ва синчков. У фақат ўзбек совет қиссачилигида эмас, балки қорақалпоқ, айниқса, рус совет адабиётида шу даврда яратилган қиссаларга ҳам мурожаат этади. Характерлиси шундаки, олим бой фактик материаллар орасида довдираб қолмайди, аксинча улардаги етакчи тенденцияларни илғаб, умумлаштириб, ҳаққоний хулосага келади. Таҳлилда илмийлик, назарий хулосаларнинг ишонарли чиқишига муваффақ бўлади, мазкур қиссаларнинг муштарак томонлари, ўзига хос хислатларини рўйирост кўрсатишга эришади. Олим айрим муаллифлардаги камчиликларни ҳам пайпаслаб ўтирмай, ҳаққоний айтади. Яъни баъзи ёзувчиларимиз ижодида муҳим замонавий воқеаларни ва замондошларимиз образини бузиб, сунъийлаштириб кўрсатиш, реал воқеликни типик образлар орқали бадиий акс эттириш ўрнига уни оддий хабар тарзида эҳтироссиз ҳикоя қилиш, сюжет паришонлиги, ҳаётдаги ижобий ва салбий кучлар пропорциясини нотўғри кўрсатиш, коммунистик жамиятнинг етакчи тенденцияларини ёрқин кўра билмаслик каби нуқсонлар борлигини конкрет мисоллар билан исботлайди.

Муаллифнинг теранлиги шундаки, у ҳар бир ижодкорнинг ютуқ ва қусурлари ҳақида сўзлар экан, қуруқ назариябозлик қилмайди, фикрларини далиллар билан исботлайди. Бу йўлда у бир-бирига яқин образларни, қиссаларни қиёслаш йўлидан ҳам боради. Чунончи Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» қиссасидаги Ашур образи Иброҳим Раҳимнинг «Оловкор» қиссасидаги Аҳмад Рустамов образи билан солиштирилиб, умумий ва индивидуал хусусиятлари очилади.

Ҳар бир қисса, образ ҳақида мулоҳаза юритар экан, муаллиф мазкур асар тўғрисида фикрлар айтишга, асарнинг очилмаган қирраларини очишга, ёки кам тилга олинган асарларни таҳлилга тортишга интилади.

Юқорида тилга олганимиз ҳар икки китобнинг фазилати яна шундаки, муаллиф адабиётшунос олимларнинг мазкур масала юзасидан, ўзи таҳлил этаётган асарлар юзасидан билдирилган мулоҳазалари билан баҳсга киришади, кўпларига қўшилса, айримларининг фикрлари асоссизлигини исботлайди. Биз бу ўринда Одил Ёқубовнинг «Муқаддас» повестидаги Сулаймон Акрамович образи хусусида айтилган баҳсли фикрларни эслашни лозим топамиз. У. Норматов мазкур асар ҳақидаги мақоласида Сулаймон Акрамовични «ажойиб коммунист» деб баҳолаган бўлса, М. Қўшжонов ва А. Қўлжоновлар «маслаҳатгўй» бўлиб қолганлигини қайд этганликларини таъкидлаб, кейинги танқидчилар ҳақ эканлигини таъкидлайди ва олим бу образ сунъий ва схематик бўлиб қолган деган хулосага келади.

Муаллиф кейинги йиллар қиссачилигининг ўзига хос томонлари, ютуқларини тўғри илғай олади. Шундай ҳислатлардан бирини интернационал ғояларнинг ифодасида, рус кишилари образининг марказий образлардан бири сифатида тобора ва чуқурроқ тасвирланганлигида кўради. Бунинг туб моҳиятини тўғри талқин этади, яъни халқлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамлигини кўрсатади.

Китобларда қиссалар таҳлили асарнинг кўп компонентлари — сюжет, композиция, бадиий тил хусусиятлари каби масалалар билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Кези келганда шуни ҳам айтмоқчимизки, ҳар икки китобнинг ҳам тили равон, фикрлар тиниқ ва эркин ифодаланади. Бироқ айрим ўринларда меъёридан ортиқ олинган мисоллар, баъзан баёнчилик ҳам кўзга ташланиб қолади. Айрим фикрлар баҳсли эканлигини ҳам айтмасдан ўта олмаймиз. Умуман олганда, ҳар икки китобни адабиётшунослигимизга қўшилган муносиб ҳисса деб баҳолаш лозим.

Ҳафиз **АБДУСАМАТОВ,**
Саодат **ТУРАБЕКОВА.**

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

РИМДАН ҲАМ КЎҲНА

Қирғизистондаги Уш шаҳри ер юзидаги энг кўҳна шаҳарлардан бири бўлиб чиқди. СССР Фанлар академияси археология институти Ленинград бўлими олимларининг топган нарсалари шаҳарга уч минг йил бўлган деб бемалол гапиришга имкон беради.

Бундан бир неча йил аввал Ушда, Сулаймон тоғ ёнбағрида кеч бронза даврининг маскани топилганди. Ленинградлик археологлар қадимги террасаларни тозалаётиб, тоғларга ўйилган ўнгир қолдиқларини, дон тўкиладиган чуқурларни, содда тўқув дастгоҳларининг ашёларини, рўзғор идиш-товоқларни топдилар. Кўҳна Уш чуст маданияти деб аталмиш замоналарга тааллуқли бўлиб чиқди. Бинобарин, у Римдан ҳам кўҳналик қилади. Эрамиздан аввалги иккинчи минг йиллик охирларидаёқ Фарғона водийсида яшаган қабилалар ўтроқ ҳаёт кечирганлар, моҳир мироб, деҳқон, ҳунарманд бўлганлар.

— Ўтган мавсум ва ҳозирги мавсумда олинган маълумотлар Уш бирмунча кейинроқ замонларда ҳам катта маскан бўлиб қолганлигидан далолат беради, — дейди институт Фарғона экспедициясининг раҳбари, тарих фанлари доктори Ю. Заднепровский. — Масалан шаҳарнинг шарқий чеккасидаги номсиз бир тепалик қазиб кўрилганида Искандар Зулқарнайн замонларига тааллуқли қаср топилди. У бўйи 24 метр ва эни 15 метрга борадиган катта, тўғрибурчак иншоот эди. Қасрнинг ўн битта хонаси сақланиб қолган, унинг ташқи деворлари қалинлиги 2 метрга боради.

Шундай қилиб, тарихнинг бронза асри маскани билан ёзма манбаларга кўра маълум эрта ўрта аср Уши ўртасидаги даври аниқланди.

А. МАСЛЕННИКОВ,
ТАСС мухбири.

• *Маданият хроникаси*

«КИЧИК САҲНА» СПЕКТАКЛЛАРИ

Республика қўғирчоқ театрининг Р. Киплингнинг «Маугли» китоби асосида ҳозирлаган спектакли бу йилги мавсумда кичик томошабинларга муносиб армуғон бўлади.

Шу йилнинг охирида театр «Карли Нос» спектакли устида иш бошлайди. Таниқли сўз санъаткори В. Гауфнинг бу эртак пьесаси мамлакатимизда немис драматургиясига бағишланиб ўтказиладиган Бутуниттифоқ фестивали муносабати билан саҳна юзини кўради. Кичкинтойлар бу мавсумда «Қизғанчоқ Ҳасан ҳақида эртак», «Тилга кирган хум» каби янги қувноқ спектаклларни келиб кўрадилар.

А. АЛИЕВ.

САҲНАДА — ЁШЛИК

«Тажриба муваффақиятли якунланди» — А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Академик Катта театри етакчи санъаткорларининг «Ёш балет» ҳақидаги фикри ана шундай.

Мазкур коллективнинг ташкил этилганига ҳали икки йил бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, у катта муваффақиятларга эришди, мутахассислар ва томошабинларнинг фикрига қараганда етук профессионал труппалардан бири бўлиб қолди. «Ёш балет»га ҳаётга «йўлланма»ни олишда СССР халқ артисти Бернора Қориева ёрдам берди. Ёшлар коллективининг ташкилотчиси ва режиссёри ҳам Б. Қориевадир. Республика «Ёш балет»и ўз олдига ўзбек халқ рақсини унинг миллий хусусиятларини тўла сақлаб қолган ҳолда янги поғонага кўтариш, уни янгича талқин қилишдек мураккаб вазифани қўйган.

СУРАТДА: «Ёш балет»нинг чиқиши.
Р. Ғофуров фотоси.
(ЎзТАГ).

Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси медицина пунктида меҳнат ветерани, республикада хизмат кўрсатган врач Нина Даниловна Зеленина ёш медиклар билан суҳбат ўтказмоқда.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ҲАР БИР ХОНАДОНГА КЕРАК

УЙ АПТЕЧКАСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ҳурматли редакция! Баъзан уйда бирор киши бирдан касал бўлиб қолса, дори-дармон қидириб қоламиз. Айтингчи, уйда аптечка ташкил қилинганда асосан нималарга эътибор бериш керак!

М. ЗИЯМУҲАМЕДОВА, ишчи.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Шундай пайтда уйда баъзи дори-дармонлар сақлангани яхши. Ҳозирги пайтда саноат кўламида уй аптечкалари харидга чиқарилмоқда.

Уй аптечкаси учун мўлжалланган қути «Ичиш учун», «Сиртқи дори-дармонлар» ва «Зарурий ашёлар» каби белгилар билан ажратилса, уларда дори ва тегишли ашёларни сақлаш анча қулай бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам чораларини ишлатишда қуйидаги дори-дармонларни қўллаш мумкин.

Валидол (таблетка ёки томчи суюқлиги ҳолида бўлади) асосан марказий нерв системасини тинчлантирувчи ҳамда рефлектор равишда қон томирларини кенгайтирувчи омил сифатида ишлатилади. Юрак қисишида (стенокардия, невроз, жиддий асаб қўзғалиши, саросима) юрак уришида 4—5 томчи валидол эритмаси бир бўлак қантчага томизилиб сўрилиб кетгунча тил тагида ушлаб турилади.

Валокардин ёки карвалол препарати кишини тинчлантирувчи ва қон томирларини кенгайтирувчи дори ҳисобланиб, юқорироқ меъёрда уйқу бағишлайдиган дори ҳисобланади. Валокардин 15—20 томчидан, мабодо ичак спазмаси бўлса 40 томчи миқдорида ярим пиёла сувга солиб ичилади.

Зленин томчилари мураккаб дори хили бўлиб, у асосан валериана, марваридгул, минг девона ва ментол моддаларининг мажмуаси ҳисобланади. Зленин томчиси юрак неврозида 20—25 томчидан сувга қўшиб ичилади.

Сумбул настойкаси («Настойка валериани») марказий асаб системасини тинчлантиради, тиришишга хотима беради, у юрак қон-томир системасининг неврозида ҳамда ичак спазмасида истеъмол этилади. Ундан 20—30 томчи сувга томизилиб истеъмол этилади, болалар неча ёшга кирган бўлса шунча томчи миқдорда сувга томизилиб берилади.

Аспирин таблеткаси («Ацетилсалицилова я кислота») асосан яллиғланиш-шамоллашга қарши даво сифатида невралгия, шақиқа (мигрен), безгак хуружида, иситмалашда, бош оғриғи, гоҳо изтиробли тиш оғриқларини қолдиришда ичилади.

Пиранал («Амидопириннинг анальгин билан бирга бўлган таблеткаси») асосан ҳароратни пасайтирувчи, оғриқ қолдирувчи, шамоллаш, безгак хуружи, бош оғриғи, невралгия, алаҳсираш, грипп ва тумов азиятларида оғриқ қолдирувчи сифатида тавсия этилади. Худди шу мақсадлар учун аптечкада «Пирхофен», «Адофен» каби таблеткаларни сақлаш ҳам мумкин.

Қорин оғриқ таблеткаси («Желудочные таблетки») ўз таркибида мингдевона қиёми (экстракт красавки), фенилсалицилат, висмутнинг нитратли асосини сақлайди. У қорин бўшлиғининг оғриқларида, ичакни зарарсизлантирувчи сифатида ичилади. Бу препаратдан қорин оғриқларида бир таблеткадан уч маҳал истеъмол этилади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ўткир қорин оғриғи кузатилганда бу доридан ичилмайди.

Йўталга қарши таблетка («Таблетка от кашля») ўз таркибида афсонак билан сода сақлайди. Бу препарат истеъмол этилганда, йўталга енгиллик беради ва балғам ажралиши енгиллашади.

Йўталга ижобий натижа берадиган қуйидаги содда дори-дармонлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан бирортасини уй аптечкасида сақлаган маъқул: «Пертусин» ва «Муколден» шулар жумласидандир.

Ичимлик содаси (Пищевая сода ёки гидрокарбонат натрия) билан асосан оғиз бўшлиғи иллатлари, стоматит, ларингит каби касалликларда эритма ҳолида чайқалади ёки ғарғара қилинади. Кўз шамоллашида (конъюктивит) эритма билан ювилади ёки артилади. Ичимлик содаси ёрдамида зарда, жиғилдон қайнашига вақтинчалик хотима берилади.

Марганцовка (перманганат калия) уй аптечкасида доимо бўлиши лозим бўлган препаратлардан бири ҳисобланади. Бу модданинг сувли эритмаларидан дезенфекцияловчи (зарарсизлантирувчи) ҳамда куйдирувчи хусусиятларидан фойдаланилади.

Марганцовканинг пушти рангли эритмаси билан гўштни ҳидланишидан сақлаб, зарарсизлантириш ҳам мумкин.

Бор кислотаси («Борная кислота») антисептик препарат сифатида кенг кўламда ишлатилувчи дори ҳисобланиб, у асосан ташқи муолажа учун қўлланилади. Томоқ оғриганида, оғиз еллаганида ёки жароҳатида 2—5 процент эритмаси билан оғиз чайқалиши, томоқ ғарғара қилиниши мумкин.

Глицерин билан асосан тери юмшатилади, шу билан бирга ични латифлаштирувчи омил сифатида микроклизма учун ишлатилади. Соф ҳолдаги глицерин таъсирчан бўлганлиги туфайли уни сув (30 процент), спирт панолинли эритма ҳолида қўлланилади.

Йоднинг спиртли эритмаси (Йодная настойка) тананинг майда жароҳатлари (кесилиши, тилиниши)га суртилади. Йод эритмаси кучли антисептик ҳисобланиб тажовузкор микробларнинг авж олишига барҳам беради, унда куйдирувчи ва сўриб олувчи қувват бор.

Йод эритмаси фақат рангли ва зич ёпиладиган шиша идишларда сақланиши лозим.

Яшил дори — (Бриллиантовая зелен) 0,1—0,2 процент спиртли ёхуд сувли эритмада бўлиб, кесик, яра, жароҳат, ширинча, лаб бичилишига хотима берувчи дори ҳисобланади.

Карболен (писта кўмир кукунидан тайёрланган таблетка) асосан қорин дамланишида, елланишдан ҳоли қилувчи восита сифатида ҳамда меъдада мавжуд бўлган заҳарли моддаларни шимдириб олиш учун истеъмол этилади.

Руҳли суртма («Цинковая мазь») теридаги яра-чақаларни қуритиш ва эт олдиришга мойиллик яратиш билан бирга, яллиғланишдан сақловчи дори сифатида ишлатилади. Руҳли суртма микробларнинг ўсиш ва авж олишига барҳам беради.

Хардали қоғоз («Горчичная бумага») киши шамоллаганида, бирор жойда хала турганда илиқ сувга намлаб баданга ёпиштирилиб қўйилади. Хардали қоғоз маълум даврғача ўзини сақлай олиши муносабати билан уни сақланиш муддатидан доим бохабар бўлиб туриш керак. Хардалли қоғозни ёғлик қоғозга (восщанная бумага, пергамент) ўраб қуйиб. қуруқ жойда сақлаш лозим.

Термометр уй аптечкасининг асосий ва муҳим тиббий ашёларидан ҳисобланишининг ҳам боиси бор: инсоннинг ҳарорат даражаси меъёрдан зиёда бўлиши инсон организмида жиддий биохимик ёки патологик жараён кетаётганидан далолат беради.

Қон тўхтатувчи тасма («Жгут кровоостанавливающий») фавқулодда содир бўладиган жароҳатланишда ишлатилувчи зарурий ашёлардан ҳисобланади. Мабодо қўл ёки оёқдан тинимсиз қон оқаётган бўлса, жароҳатланган жойнинг юқорисидан тасма билан қисиб боғланади. Боғлиқли ҳолат бир ярим соатдан ошмаслиги керак. Акс ҳолда қонсизланган ҳужайралар ҳалокатга учраши мумкин.

Уй аптечкаси таркибида катта ва кичик бинтлар (оддий ва стерилланган), тоза, ўроғлиқ пахта, кўз томчисини томизадиган найча ғилофи билан, бозиллатма (грелка), клизма учун груша каби ашёлар бўлиши керак.

Уй ва биринчи ёрдам аптечкаларини барча дорихона ва унинг шахобчаларидан харид қилиб олишингиз мумкин.

Шуни ҳам ёдда сақлаш лозимки, беморни ёки киши ўзини ўзбошимчалик билан даволаши ярамайди.

Мабодо аптечкада сақланаётган дориларнинг сақланиш муддати тугаган бўлса (бу рақам дори қутичаси, ёрлиқчаларда ёзилган бўлади) ёки дорилар ўз рангини ўзгартирса — қизарса, кўкарса, сарғайса, намиқиб қолса уни ташлаб юбориш керак.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ҚУРБОНОВ: Нима учун баъзи одамларнинг оёғи оғриб қолади. Оёғи тез-тез оғриб турадиган кишилар учун югуриш фойдалими?

Медицина фанлари кандидати Носир Қосимов бу саволга қуйидагича жавоб беради.

— Йилнинг салқин фаслларида баъзи кишиларнинг оёғи оғриши кўпинча ревматизм хасталигига чалинганларда кузатилади. Шунинг учун оёқ оғриганда тузалиб қолар деб бепарво бўлмай, албатта мутахассисларга учрашиб, сифатли даволаниш лозим. Югуришни эса, албатта шифокор билан маслаҳат қилган ҳолда бошлаш керак.

∴ ∴ ∴

Д. ШОНИМОВ, Н. НОРБОЕВ: Нима учун баъзи ёшларга ҳуснбузар тошади. Ундан қандай даволаниш мумкин?

Жавоб: Ҳуснбузарни даволашда тери касалини даволовчи врач билан маслаҳатлашиб иш тутиш керак. Шунингдек, буни даволашда парҳезга ҳам амал қилиш лозим. Юзига ҳуснбузар тошиб юрадиган баъзи ёшлар ёғли овқат емасдан, кўпроқ сут ва сут маҳсулотлари ҳамда сабзавотларни истеъмол қилганлари маъқул.

∴ ∴ ∴

К. ТОЛИБОВА: Қайси касалликларда кўз хиралашади?

Медицина фанлари кандидати доцент Самиғ Аҳмедов бу саволга қуйидагича жавоб беради.

— Кўз хиралашиши қариликда, кўзнинг баъзи касалликларида, витаминлар етишмаганда, камқонликда ҳамда қон босими ортганда, хафақон хасталигида кузатилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кўз касалликлари врачига кўрсатиш керак.

∴ ∴ ∴

Т. БАҲРОМОВ, Д. СОАТОВА: Баъзи ёшларнинг сочи эрта тўкилишига ва оқ тушишига нима сабаб бўлади? Агар шундай ҳолат юз берса, қайси соҳадаги мутахассисга мурожаат этиш керак?

Жавоб: Сочга эрта оқ тушиши ва эрта тўкилиши турли сабаблар ва турли хасталиклар натижасида келиб чиқади. Унинг сабабларини фақат мутахассисгина тўғри аниқлайди ва тўғри даволайди. Шунинг учун, бундай ҳолат юз берганда тери касалини даволовчи врачга учрашиб, фойдали маслаҳатлар олиш лозим. Бу соҳадаги мутахассислар ҳар бир районда ташкил этилган тери касалликлари диспансерида бор.

∴ ∴ ∴

М. КОМИЛЖОНОВА: Инсон характерини унинг кўзига қараб билиш мумкинми?

Жавоб: Инсон руҳий ҳолатини, айниқса болалар характерини уларнинг кўзига қараб билиш мумкин. Бу борада мутахассис врачлар ва психологлар бой тажриба орттирганлар. Кўздан инсон руҳий оламини билиш мумкинлигини Абу Али ибн Сино ҳам ўзининг «Тиб қонунлари» асарида батафсил исботлаб берган.

∴ ∴ ∴

Р. АЛИБОЕВА, Қ. ҲАЛИМОВА: Биз поликлиникадаги врачга учрашган эдик, врач: «Сизларга парҳез таомлари истеъмол қилишни маслаҳат бераман», деди. Айтингчи, парҳез таомлари ошхонаси шаҳримизнинг қаерига жойлашган?

Жавоб: Парҳез таомлари билан савдо қилувчи ошхона Киров кўчасига жойлашган бўлиб, аҳолига бир неча йилдан бери хизмат кўрсатмоқда. Бундай ошхоналардан яна бири — «Саломатлик кафеси» Ҳадрада, «Цирк» биноси олдида ҳам очилган. Бу ерда ҳам шифобахш таомларни истеъмол қилиш мумкин.

Жавобларни Ю. АҲРОРОВ ва Т. РАСУЛЕВ тайёрлади.

• Ўзбекистон — чет элликлар нигоҳида

ОНА-ЮРТ БИЛАН УЧРАШУВ

Ҳафтада бир марта Суриядаги марказий «Ал-БААС» газетаси саҳифаларида Бурҳон Бухорий имзоси билан адабиёт, таълим-тарбия соҳасидаги мақолалар чоп этилади. Араб социалистик уйғониш партиясининг органи бўлган бу газета ўқувчилари муаллифнинг номини яхши таниб қолишган, унинг мақолаларини қизиқиш билан кутиб оладилар. Бурҳон Бухорий суриялик журналист ва ёзувчи. Унинг ота-онаси аслида ўзбекистонлик бўлишган. Шу кунларда Бурҳон Бухорий республикамизда меҳмон бўлиб, она юрти билан танишмоқда. Биз у билан учрашиб, айрим саволлар билан мурожаат қилдик.

— **Ҳурматли Бурҳон Бухорий, ўзингиз ҳақингизда, араб мамлакатларидаги ўзбеклар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Менинг отам асли андижонлик, онам эса шаҳрихонлик бўлишган. Ҳозир онам ҳаётлар. Уларнинг айтишига қараганда, 1914—1916 йилларда Ўзбекистондан кетиб қолишган экан. Аммо ҳамиша қадрдон юртини эслаб, бизга ҳам кўп ҳикоя қилишади. Менда Ўзбекистонни кўриш, унинг бугунги ҳаёти билан яқиндан танишиш истаги туғилди. Ниҳоят чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамияти («Ватан» жамияти) ўмаги билан она Ватан дийдорини кўришдек бахтга муяссар бўлдим. Ўн кун давомида Тошкент шаҳридан ташқари Бухоро, Самарқанд, Андижонда бўламан, ўзбекларнинг бугунги ҳаёти ва меҳнати билан танишаман. Бу кунлар менинг ҳаётимда энг азиз дақиқалар бўлиб қолади. Энди саволингизнинг иккинчи қисми хусусига келсак, бошқа араб мамлакатларида ҳам ўзбекларни учратиш мумкин. Суриядан ташқари Саудия Арабистони, Иордания ва бошқа араб мамлакатларида ўзбеклар бор. Улар бугунги Ўзбекистоннинг турмуши билан ниҳоятда қизиқадилар. Ўзбек қўшиқларини мароқ билан тинглайдилар. Шунингдек, она юрт билан алоқа боғлашга интиладилар.

Бу мамлакатлардаги ўзбеклар қисман бўлса-да, ўз маданиятлари, урф-одатлари, тилларини сақлаб қолишган. Албатта, ўзбек тилига арабча сўзлар кириши натижасида ўзига хос бир лаҳжа вужудга келган. Араб дунёсида ўзбекларни «бухорий» деб аташади. Ўзбекистоннинг машҳур қадимий шаҳри номи умумлаштирувчи, рамзий, аҳамият касб этган.

Мен Дамашқ университетининг фалсафа, тил ва адабиёт факультетларида таълим олдим. Сўнгра саводсизликни тугатиш бўйича янги методдаги курслар ташкил этдим. Тажриба сифатида олиб борган ишим яхши самара берди. Тўрт мингга яқин аёл уч ой давомида ўқиш ва ёзишни ўрганиб олди. Маълумки, араб мамлакатларида саводсизлик даражаси анча юқори. Шунинг учун ҳам бу соҳада кўп ишларни амалга ошириш керак.

Ҳозиргача учта дарслик китобим чоп этилди. Марказий газета ва журналларда мақолаларим босилиб туради. «Кўкарган таёқ» деб номланган пьесам бир қатор араб мамлакатлари саҳнасида намойиш этилди. Пьеса фаластин халқи ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар эди.

— **Сурия ва Совет Иттифоқи, жумладан, Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамда иқтисодий алоқалар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Сурия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб боряпти. Совет мутахассислари кўпгина соҳаларда бизга ёрдам беришяпти. Дамашқда Совет маданият маркази муваффақиятли ишлаб турибди. У ерда совет халқи эришган ютуқлар, кино ва театр янгиликлари, газета ва журналлари билан танишиш мумкин. Шуни айтишим керакки, ўзбек тилини ўрганишимга ҳам ана шу маданият маркази сабаб бўлган. Бундан 15 йилча олдин ўша ерда ўзбек олими Абдусодиқ Ирисов билан танишган эдим. У киши ўзбек тилини ўрганишда менга яқиндан кўмаклашганди. Кеча эса яна дийдор кўришдик. Совет Ўзбекистонининг айрим нашрлари билан ҳам ана шу маданият марказида танишиш мумкин.

— **Республикамиздан ва шаҳримиздан олган илк таассуротларингиз қандай?**

— Тошкент билан қизиқиб танишдим. Диққатга сазовор жойларни кўрдим, ўзбекларнинг тўйларида иштирок этдим. Замонавий бинолар ва хиёбонлар, меҳмондўст кишилар менда жуда яхши таассурот қолдирди. Ҳамма жойда ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олишди. Мен Сурияга қайтиб борганимдан кейин Ўзбекистон ва унинг ажойиб кишилари ҳақида ҳикоя қилиб бериш ниятидаман. Шунингдек, ўзбекча-арабча луғат ҳам тузмоқчиман. Бу билан ўз тилини унутаётган хориждаги ўзбекларга қисман бўлса-да, кўмаклашган бўламан.

Газетангиз орқали ўзбек халқига киндик қони томган юртини кўриш иштиёқида ёниб юрган ватандошлари номидан қизғин салом топширишга руҳсат этинг.

Суҳбатни
Н. МУҲАММАДИЕВ
ёзиб олди.

Журналист сафарда

«БОРСА КЕЛМАС»НИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ

Бугунги Сибирни кўрганмисиз? Қалби олов ёшлар барпо этган Красноярск ГЭСи ва Дивногорск шаҳрида бўлганмисиз?

Мана, биз В. И. Лениннинг туғилган кунининг юз ўн йиллиги тантаналари кунларида ишга туширилган ўн олти қаватли «Интурист» меҳмонхонаси олдида турибмиз. Одамлар гавжум. Улар халқаро журналистлар лотереясида ютуқ чиққан, Енисей дарёси бўйлаб сайр қилиш ҳуқуқини олган кишилар. Булар орасида врачлар, ўқитувчилар, матбаачи ва шофёрлар, журналистлар бор.

Маълумки, журналистлар ҳамкорлиги лотереясини халқаро журналистларнинг ташкилоти (МОЖ) 1964 йилда уюштирган. Совет Иттифоқи, Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Чехословакия журналистлар ташкилотлари уни таъсис этиб, лотереянинг актив иштирокчилари бўлишди. 1978 йили Вьетнам журналистлар Ассоциацияси қўшилди. Келаси йилдан бошлаб лотерея ўйинларида Польша журналистлари ҳам қатнашадилар.

Лотерея йўли билан тўпланган маблағлар МОЖ ҳамкорлик фондига тушади. У ҳамон тенгсизлик ҳукм сураётган мамлакатларда тинчлик учун курашаётган журналистларга ёрдам тариқасида берилади. Шу билан бирга ўз мустақиллигига эришаётган ҳамда эндигина мустамлакачилик д а н қутулган давлатларда миллий матбуотни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларини техник жиҳатдан яхшироқ жиҳозлашга моддий ёрдам кўрсатади.

Лотерея билетларидан тушган маблағ ҳисобига Берлин, Будапешт, Софияда халқаро журналистларнинг мактаблари ишлаб турибди. Ахборот воситаларининг ходимлари журналистларнинг Болгариядаги Варна шаҳри, Венгриянинг Балатон кўлидаги дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарадилар.

Ўтган йиллар ичида совет гражданларидан мингдан ортиқ киши ана шу лотерея туфайли ўз мамлакатлари ва социалистик давлатлар бўйлаб сафарда бўлди. Меҳмонхона олдида турган кишилар ҳам ана шулар жумласидандир. Улар Сибирдаги улкан Енисей дарёси бўйлаб саёҳат қилиб, буюк ўлканинг ажойиб шаҳарларида бўлишди, ўрмонзорларда сайр этиб, ҳордиқ чиқардилар. Бу турли миллат кишиларини журналистлар ташкилоти бирлаштирди. Сафар давомида биз Сибирнинг табиати, шаҳарлари билангина танишиб қолмай, янги дўстлар орттирдик, ҳамкорликка кўприк ташладик.

Жаҳонда энг йирик ҳисобланган ва олти миллион киловатт-соат ток берадиган СССР 50 йиллиги номли Красноярск ГЭСини томоша қилгач, Антон Чехов теплоходида Енисей дарёсида Диксон порти томон сузиб кетдик.

Антон Чехов теплоходи Совет Иттифоқининг буюртмасига биноан Австрияда қурилган экан. Унинг узунлиги бир юз ун беш метрдан ортиқ бўлиб, эни 16,5 метр, баландлиги 15,5 метр. Унинг ичида кутубхона, музика салони, совғалар киоскаси, сартарошхона, дам олиш салони, фотолаборатория, танца майдони, ресторан, иккита бар, бассейн ва бошқа ёрдамчи хоналар мавжуд...

Красноярск қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Бу ерда 7 та олий ўқув юрти, ўнларча билим юртлари бор. 1969 йили шаҳарда университет очилди, қатор илмий-текширув ва лойиҳалаш институтлари ишлаб турибди. А. С. Пушкин номли драма театри, Сибирь давлат рақс ансамбли, музикали комедия театри, қўғирчоқ театри шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари хизматида. Яқинда цирк ишлай бошлади. Красноярск Шарқий Сибирнинг энг йирик транспорт узелидир. У орқали М сква, Владивосток темир йўли утади. Ҳаво линияси эса шаҳарни мамлакатимизнинг йирик аэропортлари билан боғлайди.

Шаҳарда кейинги йиллар ичида кўпгина осмонўпар уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилди, озиқ-овқат, саноат моллари магазинлари, мактаб, болалар боғчалари, ёзги ва қишки кинотеатрлар ишлаяпти.

Шаҳардан Арктика юраги ҳисобланган Диксон портига Енисей дарёси буйлаб борилади. Улар оралиғидаги 5384 километрлик масофада 1618 йили ташкил топган Енисейск шаҳрининг қадимий меъморлик ёдгорликлари, рус ҳунармандлари яратган ишлар намуналари билан танишиш мумкин. Улкадаги энг йирик, чексиз ҳисобланган Турухан райони туристлар диққатини жалб этди. 1637 йили барпо этилган шаҳар типидаги аҳоли пунктининг ҳозирги жамоли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган.

Дудинка билан Норильск шаҳарлари ўзининг гўзаллиги, замонавийлиги, қазилма бойликларга бойлиги билан донг таратган. Дудинка ва унинг механизациялаштирилган порти Норильск металлургияси учун транспорт дарвозаси бўлиб хизмат қилади. Порт орқали Норильск комбинати ва Таймир аҳолиси учун турли машиналар, асбоб-ускуналар, ёғоч-тахта, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноат моллари жўнатилади.

Норильск шаҳрининг ўзига хос табиати бор. Иссиқ июль ойларида ҳам бу ерда ҳарорат 14 даражадан ошмайди, қишда юз кун давомида 50 даража совуқ бўлиб туради. Шаҳарда 170 минг аҳоли яшайди. Улар бу ерларнинг иқлимига жуда мослашиб кетишган. А. П. Завенягин номли кон-металлургия комбинати шаҳар юраги ҳисобланади. Корхона коллективи 1942 йилнинг биринчи ярмида мамлакатга дастлабки никелни етказиб берди. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда шаҳар катта қурилиш майдонига айланди. 9—16 қаватли уй-жой, маданий-маиший бинолар қад кўтарди, йўл ва йўлаклар асфальтланди. Талнах — шаҳарнинг шундайгина ён бағрида. У мис-никель рудаларига бой. Шаҳарнинг келажаги янада порлоқ...

Карс денгизи билан Енисей қўлтиғи қадим замонлардан бери абжир землепроходчилар ва Сибирга денгиз орқали ўтиш йўлларини изловчиларнинг диққатини жалб этиб келган. Тарих бундай биринчи қазилма бойлик қидирувчилар ва Ватанимизнинг бу ўлкасига йўл топганлардан Кондратий Курочкин, Ф. Минин, Е. Бегичев, Ф. Стерлигов, Д. Овцин, Х. Лаптев кабиларнинг номларини абадий сақлайди.

Диксон Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам мисли кўрилмаган жасорат кўрсатиб, немис-фашист газандаларини улоқтириб ташлади.

Диксон ҳозир Ватанимизнинг шимолидаги илм-фан маркази ҳисобланади. Бу марказ қутбдаги станциялар билан яқин алоқада. Улардан олинган метеорология ахборотлари бўйича денгиз ва ҳаво кемалари капитанларини об-ҳаво маълумотлари билан таништириб боради. Шу билан бирга ғаллакорлар, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари меҳнаткашларини Арктикадан келиши мумкин бўлган совуқ ҳаводан огоҳ этиб туради. Биринчи класс теплоходлари бир йилда Диксонга икки марта қатнайди.

Бир вақтлар борса келмас ҳисобланган ва қитъамизнинг энг чеккасида ҳисобланган Диксон бугун ҳузур қилиб, сайр этадиган, ҳордиқ чиқарадиган жойга айланди.

Тожибой УНАБОЕВ,
Красноярск — Диксон.

СУРАТДА: Тошкентдаги шахмат-шашка клуби. Клуб доимо ёш шахматчилар билан гавжум бўлади.

ТУРИСТИК ТРАССАЛАР

Абу Али ибн Сино юрти—Афшона қишлоғи томон янги туристик маршрут ўтказилди. Совет ва чет эл саёҳатчиларининг катта-катта группалари 1000 йил муқаддам буюк аллома туғилган қадимий қишлоқда бўлишди. Бу ерда кўҳна қишлоқ янги ҳаётининг эркин манзаралари уларнинг диққатини ўзига жалб этди.

Улар бу ерга олим яшаган, ўзининг «Тиб қонуни» асарини яратган Бухоро шаҳри орқали келдилар. Туристлар бу шаҳарда қадимий архитектура ёдгорликлари билан танишадилар, янги илмий ва маданий марказларда бўладилар, буюк ҳаким, файласуф, шоирнинг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи музей экспонатларини кўздан кечирадилар.

—Абу Али ибн Синога бағишланган маршрут, — деди туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон совети бўлимининг бошлиғи А. Поляков, — республиканинг туристик харитасига киритилган 325-трассадир. Маршрутларимизнинг кенг рўйхатида бутун жаҳонга машҳур бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳар билан танишишдан ташқари, Ўзбекистондаги пахтакор колхоз ва совхозларга махсус экскурсиялар қилиш ҳам кўзда тутилган. Меҳмонлар бундай хўжаликларда «Оқ олтин» етиштириш соҳасидаги ютуқлар билан, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши билан танишадилар.

Саёҳатлар бюролари ташкил қилинган барча шаҳарларда КПСС XXVI съездига бағишланган тематик экскурсиялар тайёрланган. Бундай экскурсиялар «Съезддан—съездгача» деган шиор остида ўтади. Ана шундай экскурсиялар ўтган беш йил ичида республикада рўй берган улкан ўзгаришларни кўришга ёрдам беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Тошкент, Бухоро, Андижон, Фарғона шаҳарларида туристик комплекслар ишлаб турибди. Самарқандда янги комплекс ташкил этилмоқда. Бу ерда ўн олти қаватли меҳмонхона барпо этилмоқда. Тошкентда қурилаётган 22 қаватли «Москва» меҳмонхонаси ҳам туристларни қабул қилади.

Туристик марказларнинг географияси кун сайин кенгайиб бормоқда. Яқинда Шаҳрисабзда ана шундай марказ ташкил этилди. Тўғри, саёҳатлар ва экскурсиялар шаҳар бюроси ҳозирча «транзит» туристларни қабул қилмоқда. Уларнинг маршрутлари Самарқанд, Қарши орқали ўтмоқда. Яқин вақт ичида Шаҳрисабз саёҳатчиларни ўзининг интурист меҳмонхонасида қабул қиладиган бўлади.

Булар — Ўзбекистон туристик хизматини кўрсатувчи баъзи бир мисоллардир, холос. Ўзбекистон ҳар йили барча иттифоқдош республикалар ва чет мамлакатлардан тўрт миллиондан кўпроқ саёҳатчиларни қабул қилмоқда.

[ЎзТАГ].

Шаҳримиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Янгидан-янги бунёд этилаётган массивларда қад кўтараётган турар-жой, маданий-маиший объектлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу фотолавҳада шаҳримиздаги замонавий йирик илмий-медицина марказларидан бири бўлган кўкрак хирургияси шифохонасининг умумий кўриниши тасвирланган.

М. Нуриддинов фотолари.

◆ ХОДИСА

«АДАШТИРИБ ҚЎЙДИ»

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг хўжалик ҳисобида ишлайдиган ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж участкасининг шофёри Икромбой Эрманов машина ҳайдаш тўғрисида гувоҳнома олишга улгурмасданоқ, йўл қоидалари мажмуасининг муҳим бандларидан бирини унутиб қўйди. Ана шу банд да, масалан автомобиль рулини бошқаришга ўтирган ҳар бир киши ҳушёр бўлиши кераклиги талаб қилинади.

И. Эрманов ўзига тегишли ВАЗ—2101 маркали 97—47 ТНЕ номерли автомобилни маст ҳолда Иззат кўчасидан ҳайдаб келар эди. Жарқўрғон кўчаси билан кесишган жойда у светофорнинг тақиқловчи қизил чироғида гўхташ ўрнига чорраҳага кириб келди. Қоидани бузишлик 3-таксомотор паркига тегишли ГАЗ-24 27—81 ТНМ номерли енгил автомобиль билан тўқнашишга олиб келди.

«Жигули» билан «Волга»нинг тўқнашувида таксида ўтирган йўловчи шикастланди. Икромбой атиги 4 ой шофёр бўлиб ишлади. Энди эса Тошкент Давлат автоинспекцияси маъмурий комиссиясининг қарори билан икки йил транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Л. ОФФЕНГЕНДЕН.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 7/Х да **Олтин девор** (12.00), **Кўрмайин босдим тиконни** (19.30), 8/Х да **Абу Али ибн Сино**, 9/Х да **Келинлар қўзғолони**, 10/Х да **Қизил яйловдаги кўк тулпорлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —7/Х да **Кулги кечаси**, 8/Х да **Она қизим**, 9/Х да **Зеби-зебона**, 19/Х да **Тошболта ошиқ**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Москва цирки артистларининг гастроллари** (7/Х да 16.00, 19.30 да,

КИНО

8 ОКТЯБРДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БАБЕК»—**Нукус** (18.30, 20.45, телефон 46-70-60). **Қозоғистон** (17.20, телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 20.30, телефон 78-47-25), **Дружба** (18, 21.30, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (16.00, телефон 33-44-52).

«ПЕТРОВКА—38» — **Чайка** (18, 20, 21.30, телефон 77-06-20), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 39-44-52).

«ҲАЕТ ГЎЗАЛ»—**Санъат саройи** (катта зал, 17, 18.45, 20.30), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60).

«ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОН!»—**Тинчлик** (17, 19, 21.00, телефон 53-86-07).

«ШАҲАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИМ» —**Москва** (тоқ соатларда, 20.40, телефон 33-05-01).

«СЕРЖАНТ ЦИБУЛЯНИНГ ДАЛА САФАРИ» —**К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).

9 ОКТЯБРДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БАБЕК»—**Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (12, 13, 16, 17.20, телефон 35-24-92). **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.30, телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (11, 13.30, 16.00, телефон 33-44-52), **Москва** (11.30, 14, 17, 20.00, телефон 33-05-01).

«ПЕТРОВКА—38»— **Санъат саройи** (11, 13, 15.00, катта зал, телефон 44-21-71), **Чайка** (12, 14, 16, 18, 20, 21.30, телефон 77-06-20), **Искра** 16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ»— **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«АКВАНАВТЛАР»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (11, 15, 17, 21.00).

«ҲАЕТ ГЎЗАЛ»—**Санъат саройи** (катта зал, 17, 18.45, 20.30), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-63-60).

«ИЗҚУВАР»—**Дружба** (12, 14.30, 17.30, 20.00, 1-зал).

«КУЗГИ МАРАФОН»— **Дружба** (тоқ соатларда, 2-зал).

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

14, 15 октябрь соат 19.00 да
Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги — конкурсининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК»
АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ДИЛБАР ФАЁЗОВА

СОЛИСТЛАР: **Ғулом ЁҚУБОВ, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Назриддин ШЕРМАТОВ, Карима ТОПИЛОВА ва бошқалар.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — БОТИР ЗИЕЕВ олиб боради.
«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — ҚОДИР МУМИНОВ.
Музика раҳбари — ИСМАТУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

(2 бўлимда)

ПРОГРАММАДА:

«ДЕНГИЗ ЭРМАКЛАРИ» АТТРАКЦИОНИ

Доғистон АССР халқ артисти Михаил ИВАНОВ **раҳбарлигида**

ДОРБОЗЛАР БИЛАН АЙИҚЛАРНИНГ ЧИҚИШЛАРИ

ЎРГАТИЛГАН ЭЧКИЭМАРЛАР

ЗАҲАРЛИ ГЮРЗА ИЛОНИ

ИККИТА ҲИНД БЎҒМА ИЛОНИ БИЛАН ОЛИШУВ
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
институтга кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган

ЕТТИ ОИЛИК КЕЧКИ КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ҳафтада уч марта ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ректор номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (нотариус тасдиқлаган нусхаси), характеристика, 2 та фотосурат, турар жойидан ва иш жойидан справкалар.

Ўқиш учун 30 сўм ҳақ тўланади.

Машғулотлар— 1 декабрда бошланади.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 15.00 дан 20.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй, 228-хона.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
1980—81 ўқув йили учун
ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда)
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ТЕХНИК ПРОФИЛДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ТАЙЁРЛАЙДИ.

Машғулотлар юқори малакали ўқитувчилар томонидан олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари программаси бўйича химия, физика, математика, рус тили ва адабиётидан олиб борилади.

Пуллик тайёрлов курсларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ректор номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (копия), ўнинчи синф ўқувчилари — мактабдан справка, иш жойидан справка, 2 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Ўқиш ҳақи (бутун ўқиш даври учун) **34 сўм.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Машғулотлар 15 октябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри —100, Горбунов кўчаси, 5-уй (3, 18, 50, 54-автобуслар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбуслар, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайларнинг «Соцгородок» бекати. 84-автобус. 11-троллейбуснинг «Тўқимачилик институти» бекати).

Тошкент шаҳар ижроия комитети
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ
«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА
ХИЗМАТНИНГ ЯНГИ ТУРИНИ
ТАВСИЯ ЭТАДИ

«ТАНТАНАЛАР УЙИ»



Бу ерда тўй кечалари, юбилейлар, Совет Армияси сафига кузатиш, битириш кечалари, пенсияга узатиш ва бошқа оилавий тadbирлар ўтказилади.

Сизлар учун қуйидаги қулайликлар яратиб берилади: юқоридаги мақсадлар учун кондиционерлар ўрнатилган махсус жиҳозланган зал, барча зарур асбоб-ускуналар (мебель, идиш-товоқ ва бошқалар)—200, 100 ва 50 кишига мўлжалланган; малакали ошпазлар, официантлар, вокал-чолғу ансамбли, халқ чолғу асбоблари ансамбли ва қатор бошқа хизматлар.

ЗАКАЗЛАР ҲАР КУНИ (душанбадан ташқари) СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар учун 33-18-42 телефонига қўнғироқ қилиш мумкин.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Полторацкий кўчаси, 29-уй (1, 2, 5, 8, 9, 24-трамвайлар, 1, 5, 8, 9, 17-троллейбуслар, 3, 22, 25, 32, 72, 80-автобусларнинг «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи» бекати).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

8 ОКТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.15 «Онамларнинг мактаби». 16.45 «Рус тили». 17.15 «Халқ оҳанглари». 17.35 СССР ва Ангола халқ республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланганлигининг йиллигига. «Анголаликлар». Ҳужжатли фильм. 18.20 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.50 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ. «Курск магнит аномалияси кончиларининг беш йиллиги». 19.20 Марказий телевидение ва Бутуниттифқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти. Бадиий раҳбар — РСФСР халқ артисти Н. Кутузов. 19.50 О. ва А. Лавровлар. «Терговни билимдонлар олиб боради». 14-иш. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Театр ва замон». «Езувчи театрга келади».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Торпедо». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.35) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси.

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ўсимлик ҳужайрасининг ҳаёти». Ботаникадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Езувчилар — болаларга». Ҳ. Назир (такрорий). 12.30 «Ўсимлик ҳужайрасининг ҳаёти». Ботаникадан ўқув кўрсатуви (рус.).

18.15 Кўрсатувлар прграммаси. 18.20 «Тонгги қўшиқ». Мультфильм. 18.35 «Дастлабки пионер гулханларининг алангаси» (рус.). 19.05 «Партия турмуши». Самарқанд область Каттақўрғон район партия комитетининг социалистик мусобақага раҳбарлик қилиш иш тажрибасидан. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион новеллалар театри. С. Аҳмад. «Уч новелла». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Ҳасанов ва А. Абдуллаев концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 А. Меликов. «Севги ҳақида афсона». А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг спектакли. Танаффус пайтида — (22.55) «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Қўшиқ билан таралган диёр». Болалар учун фильм-концерт. 21.05 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «СССР Конституцияси —ҳаётимизнинг Асосий Қонунидир» (рус.). 21.35 «Темиртов — ёшлигим менинг». Телефильм. 22.05 «Эгнар чашмаси». Бадиий фильм.

9 ОКТЯБРЬ ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 О. ва А. Лавровлар. «Терговни билимдонлар олиб боради». 14-иш 1-серия. 11.45 «Моҳир қўллар». 12.15 М. Глинканинг симфоник миниатюралари. 12.45 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари программаси. 16.20 «Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар». «Бизнинг асосий қонун». 16.50 Ф. Мендельсон. Итальян симфонияси. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.15 «Шахмат мактаби». 17.45 «Мамлакатимиз далаларида». 18.00 Монголия Халқ Республикаси қўшиқ ва рақс Давлат ансамблининг концерти. 18.45 «Ленин номи билан». Москва шаҳар Ленин райони коммунистларининг ишлари ҳақида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 Халқаро конкурс лауреати Л. Снегирёва (арфа) ижро этади. 19.55 О. ва А. Лавровлар. «Терговни билимдонлар олиб боради». 14-иш. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Тбилиси). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Халқаро панорама». 24.00 «Музикали киоск». 00.40 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Соябон». Мультфильм. 18.10 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 18.40 «1980 йил планини 7 ноябрга бажарамиз». «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» (рус.). 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Локомотив» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.). 20.50 «Ахборот». 21.10 «Абу Али ибн Сино». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»). 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Хирмонингизга барака». 22.15 Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар. «Актёрлар ва роллар». Мурод Ражабов. 23.35 Кўрсатувлар програмаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Янги урф-одатлар — турмушга». 20.55 Реклама. 21.05 «Ўқитувчи экрани». «География дарсларининг самарадорлигини ошириш йўллари». 21.35 «Ўз кураш йўлингни топ». Телефильм. 22.05 «Композитор Иоганн Штраус». Телевизион бадиий фильм (рус.).

«ПАХТАКОР»
МАРКАЗИЙ
СТАДИОНИДА

9 ОКТЯБРЬ
СОАТ 19.00 ДА
СССР биринчилиги учун
ОЛИЙ ЛИГАНИНГ
«ЛОКОМОТИВ» (Москва)
—«ПАХТАКОР» (Тошкент)
командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ТОШКЕНТ
«ПРИБОРИ» САЛОНИ

Ленинград электр ўлчов асбоблари институти билан ҳамкорликда
14 ОКТЯБРЬ СОАТ
15.00 да
«1979—80 йилларда ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган электр ўлчов асбоблари» мавзуида

СЕМИНАР

ЎТКАЗАДИ

Адрес: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй. Революция хиёбони, Тошкент техника уйи. Телефонлар: 33-28-18, 78-02-38.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83. совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

8 ОКТЯБРЬ, 1980 й. Р—16625 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2200. 5